

Абу Бакр Ўрозов

МАНГУ ЁНИҚ ЮЛДУЗ

Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти
Тошкент – 2009

83.3(5Ў)6

Ў81

Ўрозов Абу Бакр.

Мангу ёниқ юлдуз [Text] / А.Б. Ўрозов; масъул муҳаррир. Н. Жумахўжаев; тақриз.: А. Улуғов, З. Бобоева. – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2009. 56 б.

ББК 83.3(5Ў)6

Масъул муҳаррир: филология фанлари доктори,
профессор Нусратулло Жумахўжа

Тақризчилар: филология фанлари номзоди,
доцент Абдулла Улуғов,
филология фанлари номзоди
Зебо Бобоева

Мазкур рисола ўзбек адабиётига салмоқли ҳисса қўшган истеъдодли адиб Тоғай Мурод ижоди ҳақида. Бизга маълумки, Тоғай Мурод ўзига хос услуби, халқчил тили билан жамоатчилик эътиборини қозонган. Унинг миллий қадриятларимиз, урф-одатларимиз акс этган асарлари ёш авлод камолотида муҳим аҳамият касб этади. Ёшларда Ватанга муҳаббат, оилага масъулият, дўстга содиқлик туйғуларини шакллантиришида ноёб манба бўлиб хизмат қилади. Ушбу рисола Тоғай Мурод ижодининг муҳим жиҳати бўлган миллий характер яратиш маҳоратини очиб беришга қаратилган.

ISBN 978-9943-06-249-8

© Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси
нашриёти, 2009 й.

СЎЗБОШИ

Таълим-тарбиянинг ҳар бир алоҳида босқичи миллий гоёларни ёшлар қалби ва онгига сингдиришнинг ўзига хос омилларини назарда тутати. Бу ҳол меҳнатга тўғри муносабат, ҳалоллик, катталарни ҳурмат қилиш, кичикларни эъзозлаш, миллий қадриятлар ва урф-одатларни муқаддас билиш жараёнида амалга ошади.

Инсон ақлини танибдики, энг буюк ақл эгалари, олимлар ва зиёлилар қадриятлар моҳиятининг турли-туман қирраларини таҳлил қилганлар, уларни такомиллаштириш йўларини излаганлар. Ўзбек халқи энг қадимий ва бой қадриятларга эга. Унинг асл илдизлари эрамыздан олдинги IX асрларга бориб тақалади. Мана, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган қадриятларимиз сайқалланиб, жилоланиб, такомиллашиб бормоқда.

Жамият тараққиётининг барча давларида ривожланишнинг моҳияти, унинг суръатлари инсонларнинг маънавий камолоти даражасига боғлиқ бўлган. Қайси ерда маънавий камолот юксак бўлиб, маърифий-тарбиявий тадбирлар оқилона йўлга қўйилган бўлса, ўша мамлакатда жамият ижтимоий мезонлар асосида ривожланганлиги тарихдан маълум. Зотан, бугунги кун ёшларига маънавий меросни нафақат ўргатиш, балки уни янада бойитиш ва келгуси авлодга ҳам етказиб бериш ҳозирги давр талабидир. Ёшларда маънавий сарчашмаларидан баҳраманд бўлиш замини қанчалик қудратли бўлса, уларда халқ, Ватан ишига фидойилик, хаётга соғлом назар билан қараш, улуғ аждодлар анъаналарига содиқлик, меҳнатсеварлик, дўстга меҳрибонлик, душманга нафрат туйғуси камол топиб бораверади. Маълумки, маънавий илм-фан, маданият, адабиёт, санъат билан узвий боғлиқ, улар билан ўзаро муштарак тушунчадир. Бу борада, Юртбошимиз Ислоҳ Каримовнинг қўйидаги сўзлари диққатга сазовордир: *«Дунёдаги зўравон ва тажовузкор кучлар қайси бир халқ ёки мамлакатни ўзига тобе қилиб, бўйсундирмоқчи, унинг бойликларини эгалламоқчи бўлса, аввалам-*

бор, уни қуролсизлантиришга, яъни, энг буюк бойлиги бўлмиш миллий қадриятлари, тарихи ва маънавиятидан жудо қилишга уринади»¹. Бу фикрлардан шундай хулоса чиқадики, маънавияти йўқотилган, қадриятлари топталган юрт — ўзлигини йўқотган юртга айланиб қолади. Шундай экан, бугунги кун ёшларига азалий қадриятларимизнинг асл маъно ва мазмунини сақлаган ҳолда етказиш, уларнинг онгида миллий урф-одатларимизга қизиқиш ва ҳурмат туйғусини шакллантириш маънавий баркамол ёшларни тарбиялашда муҳим омил бўлиши шубҳасиз. Ватанимиз азалдан башарият тафаккур хазинасига унутилмас ҳисса қўшиб келган, асрлар мобайнида ҳалқимизнинг юксак маънавият, адолатпарварлик, маърифатсеварлик каби эзгу фазилатларни тарғиб этган буюк аждодлари билан ҳақли равишда фахрланса арзийди.

Маълумки, кўпгина адибларимиз ўзларининг асарлари орқали миллийликни, қадимий урф-одатларни маҳорат билан ёритиб келишган. Жумладан, Тоғай Мурод ижодида ҳам, миллий руҳ, қадимий анъана ва маросимлар, унутилиш арафасида турган қадриятларимиз бадиий жилолари билан қаламга олинган. Миллий қадриятларни тиклаш, маънавий меросни мустаҳкамлаш, такомиллаштириш кишиларни умминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашда Тоғай Мурод асарлари катта аҳамият касб этади.

¹ Каримов. И. А. Юксак маънавият — енгилмас куч. Т.: Маънавият. 2008 — Б- 11.

«МЕН ХЎЖАСОАТДА ДУНЁНИ КЎРДИМ..»

«Агар шоирни идрок қилмоқчи бўлсанг, унинг Ватанига бор», деган эди буюк Гёте. Аслида, Ватан тушунчаси кенг ва тор маъноларда қўлланилади. Ватан – инсоннинг киндик қони тўкилган муқаддас замин, уни камолотга етакловчи, ҳаётига маъно-мазмун бағишловчи муқаддас маскандир. Қолаверса Ватан – ҳар биримиз учун ота-боболаримиз хоки пойи ётган азиз жойдир. Тоғай Мурод туғилиб ўсган Ватан – Ўзбекистон. Киндик қони тўкилган гўша эса Сурхондарё вилоятининг Денов туманидаги Хўжасоат қишлоғидир. Худди шу маскан адибнинг кичик ватанидир.

... Биз туғилган қишлоқни Хўжасоат дейишади, – деб эслайди Сагтор Алимардонов.¹ У жуда катта қишлоқ – ҳозир ўн минг аҳолиси бор. Хўжасоат иккига бўлинган: Паст қишлоқ, Юқори қишлоқ. Сурхондарёнинг номдор полвонлари шу ерда туғилган. Ҳозиргача Ўзбекистоннинг ҳар еридан полвонлар келиб туради. Тўйларда икки қишлоқ полвонлари тарафматараф олишишган, агар чеккадан полвон келса, бир тараф бўлган. Кейинчалик ана шу тўйлар, ана шу кураш, кўпқарилар Тоғай Муроднинг машҳур қиссаларида акс этди, ўзбек курашини, кўпқарисини дунёга танитди.

Хўжасоат тўғрисида тасаввуримиз янада тўлиқ бўлиши учун адибнинг қўйидаги сўзлари билан танишсак: *«Бобомиз ана шундай ўй билан тагин йўл олади. Юради-юради – Денов келади. Денов беклиги Бухора амирлигида бўлади. Бобомиз Деновни макон этади»*². Тоғай Мурод ҳар бир асарида она заминни, туғилиб ўсган масканини мадҳ этади. Албатта, ҳозирги Денов билан ўтган асрдаги Денов орасида анчагина фарқ бор, лекин адиб буни асарларида аслиятига мос қилиб тасвирлаган. Хўжасоат, Сурхоннинг гўзал масканлари адиб асарларининг мазмунига айланди. Тоғай Мурод ўз ери, қишлоғи

¹ Мен қайтиб келаман, Тоғай Мурод замондошлари хотирасида..Т: Янги аср авлоди-2007. Б-117.

² Тоғай Мурод. Отамдан қолган далалар. Т: Шарқ-1994. Б- 24

ва ўз одамларини куйлаган ижодкор. Шу боис ёзувчи ҳақида, асарлари ҳақида гап борганда албатта унинг болалиги ўтган Хўжасоат қишлоғи ёдга олинади.

Тоғай Мурод – Тоғаймурод Менгноров 1948 йил 3 февраль Сурхондарё вилояти Денов (ҳозирги Олтинсой) тумани Хўжасоат қишлоғида туғилди. Шу қишлоқдаги 43-ўрта мактабда таҳсил олган.

Саттор Алимардонов Тоғай Муроднинг ёшлиги ҳақида жуда кўп ва аниқ маълумотлар берган. Адибнинг характерини, инсоний фазилатларини янада ёрқинроқ намоён қилиш учун унинг эсдаликларидан келтириб ўтаемиз: «Тоғай болалигидан жуда-жуда ораста кийинар эди – кийган кийимига гард юқмас эди. Бу кийим-кечакнинг тақчиллигида эмас (60-йилларда устбош унчалик мўл эмасди), чиройли кийимини авайлаб сақлаш унинг ўзига хос одати эди.

Сал эсайганимиздан (Эсимизни таниганимиздан) кейин у тиш чўтка ва паста сотиб олиб, тишларини парвариш қилиб бошлади. У тишларини кўз-кўз қилиб мақтанишни яхши кўрарди. Ана шу орасталик, озодалик унинг асарларида ҳам ифодасини топди»¹.

Тоғай Мурод ўзига жуда талабчан бўлган. Бу характер унда ёшлигидан шаклланиб келган ва кейинчалик асарларига ҳам кўчган. Яъни, адиб ёшлигини, болалигини кўрган-билганларини умумий тарзда ўз асарларида қайта жонлантирган.

«Ёзда эса бизларнинг гурунг марказимиз Зиёдларнинг (Зиёд исми. «Отамдан қолган далалар»да – А.Ў.) томи устига кўчарди. У маҳалларда Хўжасоат ҳақиқий қишлоқ, яъни қишлайдиган жой бўларди: одамлар қиш чиқиши билан ўтовию капасини олиб, эчки-қўй, моли билан даштга кўчиб чиқар, узум тугаши билан тўғри боққа кўчар (Қоплон билан Оймонинг токзор манзараси. «Ойдинда юрган одамлар» – А.Ў), қишлоқда деярли ҳеч ким қолмасди. Биз хувиллаб қолган қишлоқни ёзнинг қисқа ва ғаройиб оқшомларида юлдузларга тикилиб (ёшлигимизда осмондаги юлдузлар катта-катта бўларди, шекилли) тонг отди гурунглар билан обод қилиб турар

¹ Мен қайтиб келаман, Тоғай Мурод замондошлари хотирасида. Т: Янги аср авлоди-2007. Б-118.

эдик, – деб ёзади С. Алимардонов ўз эсдаликларида, – Тоғай бир куни мактабга келмади, сабаби бўлмаса, у умуман дарс қолдирмас эди. (Бу воқеа, адашмасам, 1963 йилнинг апрель-май ойларида бўлган.) Сабабини билиш учун дарслар тугагач, уларникига бордим. У бир ўзи чой ичиб ўтирган экан, кайфияти кўтаринки, кўзлари ёниб турарди. – Биласанми, қаерда эдим, – деб сўз бошлади у, Деновга «Ғалаба учун» газетасига бордим, Чори Ёқубов деган кишига бир-икки ҳикоямни олиб боргандим, мақтади, ғайрат қилинг, деди. Энди гурунглари камайтириб, кўпроқ ўқишим керак, ёзишим керак бўлади.¹

Саттор Алимардоновнинг эслашича бу воқеа 1963 йилда содир бўлган. Тоғай Мурод ўн беш ёшда, мактабнинг саккизинчи синфида ўқиб юрган кезлари бир-иккита ҳикоялар ёзиб машқ қилиб юрган. Адиб ўзининг «Мен» деб номланган таржимаи ҳолида ҳам «Мактабда ҳикоялар машқ этдим», – деб ёзади. Бу Тоғай Муроднинг адабиётга «шунчаки» кириб келмаганидан, ёшлигиданоқ олдига қўйган буюк мақсад билан ижод қилганидан далолат беради.

¹ Мен қайтиб келаман, Тоғай Мурод замондошлари хотирасида. Т: Янги аср авлоди-2007. Б-118.

ИЖОД ИШҚИ

Ўтган асрнинг етмишинчи, саксонинчи йилларида ўзбек адабиётида бир қанча янги номлар кўзга ташланиб қолган эди. Мурод Муҳаммад Дўст, Хайриддин Султонов, Эркин Аъзамов қатори Тоғай Мурод ҳам. Бу ёш ижодкорлар ўша пайтда каттаю кичик китобхонларнинг назарига тушиб улгурган, уларнинг янги асарларини катта завқ-шавқ билан кутиб олишарди. Инчунин, Тоғай Мурод ижодида ҳам, ўша давр руҳиятидан бир оз сиқилган ҳолда бўлса ҳам, соғлом руҳ нафаси уфуриб турарди. Адиб асарларидаги ўзига хослик, воқеаларнинг таъриф-тавсифи, шоирона тасвир услуби ҳеч бир китобхонни бефарқ қолдирмаётган эди.

Жумладан, у ўзининг барча қиссаларида тарихимизнинг сержило қирраларига мурожаат қилди ва миллий қаҳрамонлар тимсолида уларни ўқувчилар қалбига етказиб беришга ҳаркат қилди. Тоғай Мурод яратган асарлари мезонида миллий маънавиятимизнинг асосий учлиги: миллий руҳ, азалий урф-одатлар ва қадриятлар тасвири асосий ўринда турган. У, бу учликнинг фақат ўтмиш учун муҳим аҳамият касб этиб қолмасдан, балки ҳозирги кун ва келажак тараққиётнинг ҳам бош омили эканини кўра билган. Адиб бу учлик кишилар онгига сингиб, ижтимоий аҳамият касб этадиган, моддий ва маънавий, диний ва фалсафий манба дея асарларига сингдирган.

Миллатимиз шаънининг кўкларга кўтарилишида, ўзбек адабиётининг бугунги кун даражасига етишида Абдулла Қодирий, Чўлпон, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Ғафур Фулом, Саид Аҳмадларнинг муносиб ўрни бор. Ўз замондошлари қатори, Тоғай Мурод ҳам бу борада алоҳида хизмати билан ажралиб туради. Яъни, у жамият тараққиётини ривожлантириш учун, инсонларнинг маънавиятини юксалтирувчи асарлар яратди. Тоғай Муроднинг бугунги кун китобхонлари томонидан ҳам севиб мутолаа қилинаётган асарлари ўз даврида қайта-қайта ишланган ва миллий асар даражасига кўтарилган эди. Бу гапимизни озгина далиллаш учун Жуманиёз Жабборовнинг сўзларини келтириб ўтиш жоиз: «Биз Тоғай билан тез-тез кўришиб турардик. Менинг нима дардда изтироб чекиб юрганимни у ҳам билар эди. Вақти келиб, Тоғай Мурод асарла-

рини чоп этмасликнинг ҳеч иложи қолмаганидан кейин, улар (назорат органлари – А.Ў.) бошқача йўл тутишди: «Тоғай Мурод яхши, истеъдодли ёзувчи экан. Унинг шунақа асарлари бор экан-а» қабилдаги гапларни айтиб, 180 даражали ўзгаришлар касб этдилар. Кўряпсизки, ўшандай қийин вазиятларда ҳам Тоғай Мурод асарлари дунё юзини кўра олди»¹.

70-йилларнинг охирлари, 80-йилларнинг бошларига келиб, бир қанча ёш ижодкорларда халқ ҳаётининг этник қатламига бўлган қизиқиш кучайди. Қиссалар, ҳикоялар ва ҳатто айрим романларда урф-одатларимиз, қадриятларимиз тасвири кенг ўрин ола бошлади. Ўша пайтда ғоявий мухолифлар оғиз кўпиртириб, буржуа жамиятини мақтаб турган бир пайтда Тоғай Муроднинг миллий анъаналар, миллий адабий шакллар ифода этилган асарлари бирин-кетин нашр этила бошлади. Мафкура сиёсати сарбозлари эса, муаллиф хоҳлайдими-йўқми, ҳаётнинг этник қатлами тасвирини одамларнинг ҳаёт тарзига қарама-қарши қўйишар ва шундай асарларни тарғиб қилишарди. Анъанавий шаклларга, «қолипга тушган» асарларга ўхшамайдиган Тоғай Мурод асарлари халқнинг кўнглидаги асрлар давомида эзилиб келаётган дардларни янгилаган, ўзлигини ўзгаларга намоиш қилган бадиий манба бўлди. Ўша йиллари қатор сиёсий романлар, памфлетлар, ёниқ публицистик шеърлару дostonлар, драмаю танқидий мақолалар Давлат мукофотларига сазовор бўлиб, тасанною олқишлар олиб турган бир пайтда, қадимий удумлар, қадриятларни ўзида мужассам этган, қаҳрамонлари воситасида келажак авлодларга етказишга уринган Тоғай Мурод асарлари эса, «*ижтимоий муоммоларни*» ёритмагани учун танқид қилинарди.

« – 1987 йилда Тоғай Муроднинг учинчи китоби «Кўшиқ»қа мен муҳаррирлик қилдим, – деб ёзади Сулаймон Облақулов². Янги қисса «Кўшиқ»нинг бир жойда қўлмак остидаги қуртчалар манзараси бор. Бунақа қуртчалар қизил рангда бўла-

¹ Мен қайтиб келаман, Тоғай Мурод замондошлари хотирасида. Т: Янги аср авлоди-2007. Б-30.

² Мен қайтиб келаман, Тоғай Мурод замондошлари хотирасида. Т: Янги аср авлоди-2007. Б-164.

ди. Шундай эмасми, дедим муаллифга. Ва уларга қизил тусни бердик. Ушбу «тузатув» қўлёзмадаги менинг ягона «тахрир»им эди. Бу китобнинг қўлёзмаси босмахонага жўнатилиш арафасида муаллиф уни менинг иш столимдан уйига олди. Ва қўлёзмани нашриётга (менга) бошқа қайтармай, ўзи ҳам нашриётга келмай қўйди. «Китоб чиқмайди, чиқишини истамайман», деди телефонда. Нега? Келинг, гаплашайлик, десам, унамади».

Бундан кўринадики, адиб ўз асари устида жуда қаттиқ ишлаган ва унинг бошқа таҳрирга муҳтожмаслигини яхши билган. Тоғай Мурод ўз асарларини шундай тартиб билан ипга тизилган маржондай ёзганки, битта сўзни олсангиз, бу қимматбаҳо маржонлар сочилиб кетадигандай авайлаган. Бу ҳақда Мирзапўлат Тошпўлатов шундай деб ёзади: «Хонада ҳамкасбларимга мени қаттиқ ҳаяжонга солган қиссаларни тўлиб-тошиб гапириб турганимда тўсатдан биров эшикни очди. Хонага забардаст, кўзлари ўтли, ўта жиддий Тоғай Мурод кириб келди. Ҳамма билан қисқа-қисқа саломлашди-да, қаршимга ўтирди. — Китобимга сизни муҳаррир қилиб тайинлашган экан. Қачон фикрингизни айтасиз? — деди у менга юзланиб. Мен унга қараб:

— Ҳозир айтишим ҳам мумкин, — дедим.

— Майна қилмасдан тўғриси айтинг, — деди у жиддийлик билан.

Мен Тоғай Муродга қараб:

— Рост билан кеча ўқиб бўлганман. Ҳозир сизни асарингиз ҳақида гапириб ўтирувдим.

— Хўш, қалай?

— Жуда зўр. Ҳатто, бирор вергулига ҳам қалам теккизмоқчи эмасман. Унинг чехраси бирдан ёришди»¹.

М. Тошпўлатовнинг бу сўзларидан шу нарса аён бўладики, юқорида айтганимиздек, адиб «ўзи тизган маржонларининг сочилиб кетиши»ини хоҳламайди. Асарларига нотўғри тегизилган қалам, унинг мазмунига салбий таъсир қилишини, яъни мукамал архитекторлик маҳорати билан қурилган иморатда

¹ Мен қайтиб келаман, Тоғай Мурод замондошлари хотирасида. Т: Янги аср авлоди-2007. Б-142.

битта гишт кўча, бутун иморатга зарар етганидек, ўз асарларининг бадий қувватига зарар етмаслигини, сурати кўркисланмаслигини, сўзларининг фикрий қуввати қирқилмаслигини истаган.

Тоғай Мурод ўзбек адабиётига ўзгача услуб, ўзгача оҳанг олиб кирди. Унинг қиссалари соф миллий руҳда жаранглади. Тоғай Мурод асарларини ўқимайсиз, уларни тинглайсиз, томоша қиласиз. Ўша қаҳрамонлар билан бирга яшайсиз, қайғусига ҳамдард, қувончига шерик бўласиз. Бу адибнинг энг катта ютуғидир.

Бундай асар яратиш учун адиб ўзлигини англаши, Ватаннинг бир сиқим тупроғини, ўтмишда қолиб кетаётган миллий анъана ва урф-одатларни, боболар ва момолар қалбида бўлган ватанпарварлик туйғуларини юрагининг туб-тубида ҳис қилиб турмоғи лозим бўлади. У изланди. Қайта-қайта ўқиди, бўлган воқеаларни ўз кўзи билан кўришга ҳаракат қилди. Бу ҳақда адиб шундай ёзади:

«Мен дунё талашмадим!

Фақат изландим, фақат ўқидим.....

Кеч кузда юртимга йўл олдим. Саттор чавандоз дегич билан тил топишдим. У менга бир от топиб берди. Саттор чавандоз билан қишлоқма-қишлоқ юрдим. Тўйма-тўй юрдим. Кўпкарима-кўпкарима юрдим. Кундузлари турли юртлардан келмиш чавандозлар билан кўпкарима чопдим. Неча бор отдан йиқилдим. Кечалари тўйхоналарда чавандозлар билан гурунг қилдим».¹

Тоғай Мурод асарларини ўқир экансиз, у ҳеч бир жумла-ни шунчаки ёзмаганлигини, ҳар қайси сўзнинг замирида оламолам машаққатлар ётганлигининг гувоҳи бўласиз. Қолаверса, Тоғай Мурод ўз она-тилини бор жилолари, бутун оҳанглари билан намойиш этди. Шу мақсадда у ўзига хос тилда асар битди. Унинг қаҳрамонлари ҳам соф ўзбеклардир. Асарларида миллийлик нафаси уфуриб туради.

«— Ота-боваларимизнинг ҳунарини маҳкам ушласак, жаҳоннинг энг зўр полвони биз бўламизку-я, нима дедингиз, Шўро бова?

— Кўп ношукурлик қила берманглар, ҳалиям зўрмиз. Ана, жаҳон чемпионлари Сайфиддин, Собир Қурбонов....

¹ Тоғай Мурод. Мен, Отамдан қолган далалар. Т: Шарқ-1994. Б-266.

– Э-э, бўтам, улар ўзимизнинг олишдан чиққани билан самбо бўйича чемпион бўлган-да.

– Сизга қандайи керак?

– Шу ўзимизнинг олиш бўйича жаҳон чемпиони бўлса экан.

– Гапингизга тушунмадим, Нурмат тоғчи.

– Нима бало, калланг шамолда қолганми дейман. Масалан, дунёдаги кўпгина халқлар ўзларининг, ҳеч бўлмаганда, битта спортини жаҳон миқёсига кўтарган. Биздан эса жаҳонга кўтарилган биттаям спорт тури йўқ....

– Бу ўзимизга боғлиқ...»¹

Мана, кўриниб турибдики, адиб асар яратиш билан бир қаторда ўзбекларнинг дардини, халқнинг ўзлигини кўтариш, жаҳон миқёсида ўзбеклар номини баралла янгратиш учун ҳам бел боғлаган. Бугунги кунда жаҳоннинг энг зўр полвонлари ўзбек курашини зўр иштиёқ билан ўрганиб, бел олишаётгани ҳам ижодкорнинг орзуси эди, дейишимиз мумкин. Яна шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, адиб қиссаларида образлар «кўз кўриб қулоқ эшитмаган» ишларни амалга оширмайди, ёки дунёни остин-устун қиладиган даражада бўрттириб кўрсатилмайди. Улар – оддий қишлоқ одамлари. Ўзининг кундалик иши, дўст-ёронлари олдидаги бурчи, қон-қонига сингиб кетган азалий урф-одатларини асраган эътиқодли одамлардир. Уларнинг замин ва далалари, энг аввало, халқимиз ва юртимиз тарихининг ажралмас бир бўлаги, ота-боболаримиз ва аجدодларимиз бошидан кечган қонли ва шонли кунларнинг мангу йўлдоши, дардкаш сирдоши ва тонмас гувоҳи бўлиб қолганлар. Адиб бора-бора йўқолиб кетаётган миллий анъаналарни китобхонларга сеҳрли йўллар (инсонлар тақдири билан боғлиқ ҳолда – А.Ў.) орқали етказиб беради ва буларга нисбатан инсонлар қалбида меҳр ўйғотади. Услуби ўзгача, ўқилиш ва мазмун жиҳатидан халқ дostonларини эслатадиган Тоғай Мурод қиссалари, жафокаш – халқнинг дил дардлари, бировга айта олмаган, айтиб ҳам бўлмайдиган сўзлари десак, янглишмаймиз. Адабиёт оламида шу нарса маълумки, катта ҳажмдаги асарлар инсон характерини яратиш учун кенг йўл

¹ Тоғай Мурод. Танланган асарлар. Юлдузлар мангу ёнади.Т: Шарқ-2008. Б-78.

очади. Бундай асарларнинг муаллифлари қаҳрамонларини турли вазиятларга олиб кириш, ҳар хил кишилар билан тўқнаштириб, портретларини ҳар томонлама таърифлаб, талай бақувват характерлар чизганлар. Аммо митти асарларда характер ярата олиш, уларни курашга олиб кириш, тақдирларини ишонarli ҳал қилиб, пухта характерларини чизиш муаллифлардан катта санъатни талаб қилади. Тоғай Мурод эса, юқорида тилга олинган митти асарлар, яъни қиссаларида бу мушқул санъатни тўла эгаллаб олганини намойиш қилади. Тоғай Мурод адабиёт тарихида ўз саҳифасини очган, ўз овози ва услубига эга бўлган ёзувчи сифатида қадриятларни қадрлаб, уларнинг бадиий ифодасини очиб берган адиб сифатида қимматлидир. Унинг бир қанча асарлари миллионлаб китобхонларнинг эътиборини қозонди. Ёзувчи асарлари меҳнатсевар, меҳмондўст, донишманд, танти ўзбек халқи ҳақида, унинг маънавий камолоти ҳақида ҳикоя қилади. Масалан қўйидаги тасвирга эътибор берайлик: *«Бўри полвоннинг кўнгли уюшиб-уюшиб кетди. Насим полвонга жуда-жуда раҳми келди. Қулочини кенг очиб: «Насим ошна!» дегиси келди. Аммо кўнглининг туб-тубида яшириниб ётмиш нимадир.....нимадир бу истагини рад этди. Бўри полвон маъюс бош эгди. Изига бурилди. Бир-икки қадам босди. Тағин елкаси оша қаради»¹.*

Мана, ушбу сўзларда ифода этилган жараёнга бир назар солайлик. Бир вақтлар ўз дўстига, дўстлигига ҳиёнат қилган ошнасига палвоннинг нафрати чексиз. Лекин, адиб бу ерда бошқа нарсага эътиборимизни жалб қилади. Яъни, иккинчи мақсад юзага чиқади. Тоғай Мурод сўзга бир қатор қўшимча вазибалар юклайди. Бўри полвон дўстига полвонлик кўзи билан қарайди. Ҳақиқий полвоннинг мардлиги. Тоғай Мурод ушбу манзарада иккита ғояни олға суради. Дўстликка хиёнат ва бир вақтлар даврада бел олишган рақиблик, яъни полвонлик назари. Буни, ўзи севиб, дил сўзларини айта олмай юрган қизига уйланиб кетган дўстига қилаётган инсонийлиги деб эмас, балки ўзбек йигитларига хос мардлик намунаси деб қабул қилишимиз керак. Дўстининг хиёнатини кечира

¹ Тоғай Мурод. Танланган асарлар. Юлдузлар мангу ёнади. Т: Шарқ-2008. Б-22.

олмаса ҳам, полвонлик шаъни унга нисбатан кўнглидан кечган ғайирликларни амалга оширишга йўл қўймайди. Дўстининг кўзларига қараганда, барча гина-кудуратни унутиб юбориш ҳар қандай одамнинг қўлидан келмайди. Лекин, полвонлик назари билан қараш — унга нисбатан ҳақиқий мардларча муносабат ифодаси бу парчада акс этади. Неча йиллик айрилиқдан кейин ҳам дўстининг ўғлини давраларда кураш тушаётганида кўриб, унга меҳр кўзи билан қарашини ифода-лаб бериш адибнинг ўзига-да оғир бўлган бўлса керак. Яна бир жойида Бўри полвон хаёлидаги ўйларни шундай чизади: «*Бўри полвон соқолининг учини буклаб тишлади. Сезилар-сезилмас бош ирғади. «Борди-ю, Момоқизга етганимда, шу Абрай полвон менинг ўғлим бўларди...» Абрай полвонга суқим кирмасин дея, назарини қувди, ён-верига туфлади: — Туф-туф-туф!..»*¹.

Ўзининг ўзлиги билан кураши, дўстини қанчалик ёмон кўрса ҳам, полвон сифатида унинг ўғлига ҳавас билан қарашини, яна ёмон кўзлардан асрасин дея ён-верига туфлаб қўйиши, фақатгина ўзбекларга хос бўлган меҳр-оқибат, мардлик ва бағрикенгликдан далолатдир.

Тоғай Мурод услубининг яна бир ўзига хос жиҳати шаклан ихчамликдадир. Гап тузишда сўзлар миқдорининг камлиги, қисқа сўзларда катта маъноларни беришга ҳаракат қилиши ҳам эътиборга моликдир. Қолаверса, ҳозирги кунда йўқолиб бораётган, тилимиздан тушиб қолган баъзи сўзлар моҳирлик билан ўз ўрнида қўлланганининг гувоҳи бўламиз. «*Уйимизда чақалоқ инга-ингалади*», «*Тўйнинг ҳидини олдириб келдим*», «*Оти мўминлар, оти беқилиқлар*», бу каби жумлалар адиб асарларида талайгина.

Шунингдек, «*Тарлон эмас, Жуманбулбул куйлаган «Кунтуғмиш»!* *Фозил Йўлдош куйлаган «Алпомиш»!* «*Кунтуғмиш»ни гўштга топшириб бўладими?* «*Алпомиш»ни гўшт қилиб бўладими?*»

Адиб бу борада ошкора ўша давр зулмларига қарши бош кўтаради. Яъни, отни гўштга топшириш борасида қишлоққа келган район вакилининг хатти-ҳаракатлари орқали ўша давр нафасини беришга, гўштга топшириляётган отлар мисолида

¹ Тоғай Мурод. Танланган асарлар. Юлдузлар мангу ёнади. Т: Шарқ-2008. Б-86.

хўрланган, эзилган халқ тақдирини ифодалашга уринади. Воқеалар ривожи жараёнида адиб бир қанча жойларда халқнинг тузумга нафратини очик баён қилади. Бу борада Тоғай Муроднинг истеъдоди, яъни сўзларни камроқ ишлатиб, уларга кўпроқ бадиий вазифа юклаш борасидаги қобилиятини чуқур ўрганишга муносибдир.

«Мен фарғоначи Жамолиддин кетмон набираси бўламан», «— Одамлари-у одамлар, тоғда битган бодомлар, эшитмадим деманглар!», «Биродарлар, кўргулик, кўргулик!», «Совчилар қадами қизлик эшикка шараф!», «Хумор момога кун туғди» Биринчи жумла — услубнинг ярқ этиб кўриниши, адибнинг маҳорати; ўқувчига қармоқ ташлаш — кўзларнинг кўзларга тушиши бўлади. Ҳар қандай китобхонни ҳам биринчи жумла асир этиши ёки қайириб ташлаши маълум. Яъни, бутун бир асарни орқасидан эргаштириб ўқувчиларга таништиради бу сўз. Тоғай Муроднинг асарларидаги биринчи жумлалар ўқувчига тезда сингмаслиги мумкин. Сабаби — Абдулла Қодирий, Абдулла Қаҳҳор, Чўлпон, Ойбек услубига ўрганган ўқувчига Тоғай Муроднинг «фарғоначи», «кўргулик», «кун туғди» каби сўзлари бирданига ҳазм бўлиши, сингиши қийин. Аммо бу услуб, ўзгача услуб, ўқувчини етаклайдиган ўзгача кучдир. Бу жумлалар асар бошига ўзгача мусиқий оҳангдорлик бахш этади ва ўқилишини тезлаштиради.

Тоғай Мурод асар ёзишда, қаҳрамонлар характерини белгилашда, уларнинг мақсад ва интилишларини таъминловчи воқеа-ҳодисаларни асарнинг марказига қўяди. Адиб яратган қаҳрамонлар характеридаги ўзига хос индивидуал хусусиятлар ва уларнинг дунёқарашига хос умумий жиҳатлар ўзаро мутаносиб ҳолда намоён бўлади. Тоғай Мурод асарларидаги қаҳрамонлар характери ҳаёт ҳақиқатига мос келиши, хатти-ҳаракатларининг табиийлиги, жонлилиги билан эътиборни жалб қилади.

«Тоғай сўзни беҳуда қоғозга туширмайдиган ижодкор эди. Шунинг учун ҳам, унинг дил изҳорларида ижодкорларга хос одатдаги ҳаяжон ҳовури эмас, балки теран самимият ила шахт бор эди. У бирор муҳим фикр юзасидан мулоҳазасини билдиргудек бўлса, аввал тараддуланиб олар, сўнг гўёки бу унинг учун сўнги имкониятдек қюниб, ҳатто жумбишга кириб гапира бошларди. У самимий ҳазил-ҳузулни яхши кўрарди. Кўёш-

дай чарақлаб кулиб, баъзан ўзи ҳам мутойибага қўшилишга ҳаракат қилар, лекин ўз шаънига нобоп гап айтилгудек бўлса, қора булутдек тундлашиб кетар, ҳатто муштини ишга солишдан ҳам тоймасди, — деб хотирлайди Мирпўлат Мирзо.¹

Адибнинг яна бир тенгдоши, Маҳмуд Сатторов ўша йиллардаги воқеаларни эслаб қўйидагиларни ёзган: «Тоғай Мурод билан университетда бир даврда (1966 — 1971) ўқиганмиз. У журналистика бўйича, мен филология соҳасидан сабоқ олганмиз. Собир Мирвалиев «Ўзбек адиблари» деган китоб ёзадиган бўлди. Профессор менга ўз китобига масъул муҳаррирлик қилишимни таклиф этди. Жон деб рози бўлдим. Мирвалиев Тоғай Муроддан ўзи ҳақида маълумот ололмай қийналди. Охир-оқибат мендан илтимос қилди. Мен Тоғай Муродга қўнғироқ қилдим.

— Э, дўст, — деди у, — мени Мирвалиев деган профессор йўқлатибди. Саид Аҳмад айтди. Ўзим ҳақимда маълумот ёзиб берар эмишман. Ёзиб беролмайман, дедим. Танимаган одамимга ўзим ҳақимда фикр беролмайман дедим...

— Сиз менга кулоқ солинг, оғайни, — дедим унга. — Бу китоб — маълумотлар мажмуаси. Ўзбек адиблари ҳақида ихчам саҳифалардан иборат. Юздан ортиқ ёзувчи кирган. Ўзбекнинг энг зўр наср устаси кирмай қолса, уят бўлмайдими!? Сиздан нима кетди? Таниш-танимасликнинг нима аҳамияти бор?»²

М. Сатторовнинг юқоридаги сўзларидан шу нарса ойдинлашадики, Тоғай Муродда манманлик, кибр-ҳавога берилиш, сохта обрў ортириш каби характерлар бўлмаган. Адиб ўзи ҳақда шундай ёзган: «*Мен шу ният йўлида (ижод йўлида — А.Ў.) иморат солмадим, машина олмадим, мансаб эгалламадим, шон-шуҳрат қизганмадим. Мен дунё талашмадим! Фақат изландим, фақат ўқидим*»³.

Адибнинг мана шу ўқиши, изланишлари ўз самарасини берди. Аста-секин ҳикоялар, қиссалари дунё юзини кўра бош-

¹ Мен қайтиб келаман, Тоғай Мурод замондошлари хотирасида. Т: Янги аср авлоди-2007. Б-80.

² Мен қайтиб келаман, Тоғай Мурод замондошлари хотирасида. Т: Янги аср авлоди-2007. Б-107.

³ Тоғай Мурод. Мен, Отамдан қолган далалар. Т: Шарқ-1994. Б-264.

лади. 1966 йили «Бобоси билан набираси» ҳикоясини ёзади. Бу айни ўн саккиз ёшига тўғри келади. Юқорида айтганимиз «мактабда ҳикоялар машқ» қилган адиб ўн саккиз ёшида ўзининг илк ҳикоясини ўқувчилар ҳукмига топширади. Шундан кейин Тоғай Муроднинг ижод булоғи аста-секин кўз очиб борди. Бирин-кетин «Кузнинг бир кунда», «Ку-ку-ку», «Эрхотин», «Заранг таёқ» ҳикоялари чоп этилди. Салмоғи жуда ҳам катта бўлмаган бу изланишлардан кейин адибнинг дostonмонанд қиссалари адабиёт оламига ёриб кирди. 1976 йилда «Юлдузлар мангу ёнади» қиссаси илк марта «Давра» номи билан чоп этилди. Ўзбек курашининг, ўзбек полвонларининг тақдири ифодаланган бу қисса ўз даврида ўзгача акс-садо берди. Адиб яратган бу қаҳрамонлар насрга ўзига хос бир нафас олиб кирди. Қиссада ўзбек кураши сирларининг нозик жиҳатлари қаламга олинди. Полвонлар руҳияти, даврада ўзини тутиш санъати, мардлиги, меҳрибонлиги, содиқлиги жонли тарзда талқин этилди.

Тоғай Мурод асарларини халқ бошқача қабул қилди. 1979 йилда Тоғай Муроднинг яна бир қиссаси «От кишнаган оқшом» ўқувчилар қўлига етиб борди. «От кишнаган оқшом» асарида лирик қаҳрамон изтироблари, оила, табиат, атроф-муҳит, от тасвири ўзгача манзара сифатида тасвирланади. Зиёдулла кал руҳияти тасвири ва отнинг меҳри ниҳоятда чуқур уйғунликда келтирилади. Зиёдулланинг сочлари тўкилиши, тушкун кайфияти ва унинг, вақт ўтиши билан, бу нарсага кўникиши, кейинчалик одатий ҳол бўлиб кўриниши адибнинг ўқувчиларни асарга сеҳрлаш воситаси бўлиб хизмат қилган. Яъни, бу билан ўша замон руҳини очиб беришга, одамларнинг ўз тақдирига нима бўлишидан қатъи назар, кўникишини ифодалаб беришдаги адибнинг маҳорати деб тушунишимиз керак. Шунингдек, Зиёдулла калнинг от билан дўстлашуви қалбнинг, руҳнинг туйғулар оловида тобланаётганлиги, доимо жўшиб, қайнаб турадиган от юрагига ҳамоҳанг инсон юрагини бир сафга қўйиши, оти Тарлон тақдирини ўзининг тақдири каби таърифлаши адибнинг халқ фарёдини жамият, ижтимоий ҳаёт ҳодисалари билан боғлашга интилиш маҳсули десак хато бўлмас. Чунки от тасвири Тоғай Мурод учун кафтдаги томчидек аниқ бўлган.

Адиб отларни доимий кузатиш натижасида шу даражадаги аниқликка эришганининг гувоҳи бўламиз.

«Биродарлар, бўз от қандай бўлади? Сурндай оппоқ бўлади! Борди-ю, аждодиди бўлса, тўққизга тўлганда тарлон бўлади. Тўққиз ёшида бўзнинг баданида холдай-холдай қора доналар пайдо бўлади. Шундан бошлаб у бўз эмас, тарлон от бўлади. Торлон – хол-хол от! Торлон – отлар сараси!»¹.

Отни бу каби таърифлаш учун уни ўрганиш эмас, отларни кузатиш, отнинг юрагини ҳис қилиш керак бўлади. Сурхон воҳасида от билан боғлиқ турли афсоналар ва ривоятлар бор. Нақл қилишларича, от эгасига умр тилармиш. Қадимда бир одамнинг оти бўлган экан. Оиланинг катта аъзолари уйда бўлмаган вақтда, кичик фарзанд сандиққа тушиб ўйнаётганда, сандиқнинг оғзи ёпилиб қолади. Бола сандиқни оча олмайди. Ташқарида турган от буни сезади ва ипини узиб уйга киради. От сандиқни оғзи билан очиб болани қутқарган экан. Бу каби ривоят ва афсоналар жуда кўп. Тоғай Мурод ижодида ҳам отнинг ақл-заковати, одамларга меҳроқибати тўғрисида сўз боради. Тоғай Мурод асарда воқеалар ривожи давомида отларга ўзига хос таъриф бериб кетади. Уларнинг ранги, ташқи тузилиши, хусусиятлари тўғрисида аниқ фикрлар келтириб ўтади. Қолаверса, от билан боғлиқ ирим-сиримлар, маросимлар ҳақида ҳам батафсил тўхтаб ўтади. Бу билан адиб ўқувчиларга фикран яқинлашишга, уларнинг ичига киришга ҳаракат қилади. *«Биродарлар, от билмаган нима йўқ! От қор-ёмғирни, довулни олдиндан билади. Айниқса тўй-маъракаи дарров билади. Боиси, тўйда кўпқари бўлади-да!»²* Адиб бу жумлада ҳам отнинг зехнига, унинг сезгирлигига ҳар нарсани олдиндан билиш қобилиятига ва туй-маракаларимизнинг от тақдири билан боғлиқ жиҳатига урғу бериб кетмоқда.

Бундан ташқари, 1980 йилда «Ойдинда юрган одамлар» қиссаси ва аввал «Қўшиқ» номи билан чоп этилган, кейин эса «Момо-ер қўшиғи» қиссаси сифатида 1985 йили дунё юзини

¹ Тоғай Мурод. Танланган асарлар. От кишнаган оқшом. Т: Шарқ-2008. Б-109.

² Тоғай Мурод. Танланган асарлар. От кишнаган оқшом. Т: Шарқ-2009.

кўрди. Тоғай Мурод «Юлдузлар мангу ёнади» қиссаси билан жамоатчилик назарига тушди. Уни ўқиган китобхон қиссани юқори баҳолади. Ундан кейин «От кишнаган оқшом», «Ойдинда юрган одамлар» нинг доврўғи янада юқори бўлди. Адиб ўзининг илк қиссаларидаёқ юрагидаги орзулари, армонлари халқнинг орзу-армонларига эш бўлиб кетганлигини намоён қилди. Кейин «Отамдан қолган далалар» 1986-1991 йилларда ёзиб тугатилди. Бу саналарга қараб, адиб роман устида беш йил ишлади десак хато қилган бўламиз. Чунки, Тоғай Мурод қўлига қалам олган даврдан бошлаб буюк асар яратиш устида изланиб машқ қилиб борди. Бу борада адиб қўйидагиларни ёзиб қолдирган:

«— Мен ўзбек халқига ҳайкал қўяман! Мен ана шундай шахд билан оламжаҳон ғанимларим (Ватанга ғаним бўлганлар — А.Ў.) сари шайландим. Жаҳон адабиёти институтида ўқиш учун йўл олдим. Барча ҳайрон бўлиб қолди. Боиси — мен эндигина уйланиб эдим. — Саводни мазаси йўқ, Москвада ўқиб келмасак бўлмади, — дедим. Дардим ўқиш бўлмади. Дардим прокуратуралар бўлди, дардим судлар бўлди. Бир оёғим институтда бўлди, бир оёғим судларда бўлди. Мен таниш-билиш йўли билан тергов матнларини сотиб олдим. Икки оғиз ахборот олиш учун яримталар қуйдим..... Мен Москвада ўқимадим, мен Москвада ўзбек зиёлилари қайғуси билан яшадим..... Мен бешинчи синфдан бошлаб пахта тердим. Дорилфунун даврида, иш даврида пахта тердим. Бўйим пахтада ўсди. Ақлим пахтада кирди. Саводим пахтада чиқди. Аммо романи бошлаб...пахта нима эканини билмаслигимни англаб қолдим. Оппоқ қоғоз билан юзма-юз бўлиб... пахта билан мен бегона эканлигимни билиб қолдим..... Мен пахта масаласида бир ... гўрсўхта эканимни билиб қолдим. Мен бир неча ўнлаб пахтачилик дарсликларини ўқидим. Неча ўнлаб қишлоқ хўжалиги китобларини ўқидим»¹. Шундай буюк асар ёзган одам ўзининг қўлига қалам олганда қийналганини тан олишига ҳар кимнинг ҳам ақли бовар қилмайди. Тоғай Муроднинг «Мен» деб номланган таржимаи ҳоли ўзи бир асар каби таъсир қилади одамга. Бундан кўриниб турибдики, адибнинг илк романини ёзиши осон бўлмади. Беш йил ичи-

¹ Тоғай Мурод. Мен, Отамдан қолган далалар Т: Шарқ-1994. Б-268.

да тайёр бўлган роман азобларини асарни чин дилдан ўқиган одам тушунади. Бу роман китоб бўлиб чоп этилмади, балки одамлар юрагига муҳрланиб қолди. 1988 йил баҳорида Тоғай Мурод Сурхондарёга кетади. Бўлажак «Ўзбекистон халқ ёзувчиси» маълум муддат «Олтинсой тонги» газетасида ишлаб роман учун материал тўплаган бўлиши ҳам мумкин. Яъни, деҳқонларнинг ҳақиқий ҳаётини кўриш, далалар билан танишиш мақсадида борган бўлса керак. Бу унинг роман ёзишга бор вужуди, бутун имкониятларини ишга солган ҳолда киришганидан далолат беради.

Ўзбек романчилигининг етук номояндаларидан, буюк адиб Абдулла Қодирий ҳам машҳур романини ёзишга ҳозирлик кўрганда фақат оғзаки эшитган, китобларда ўқиган манбалари билан чекланиб қолмасдан, тасвирламоқчи бўлган жойларини ўз кўзи билан кўрганини ёзади. «— Мен Марғилон кўчаларида юриб, карвонсарой, эски ўрда ўринларини белгиладим. Мирзакарим қутидор, Уста Олим, Ҳомид, Содиқлар уйини тахминладим ва «Хўжа Маъоз»да бир кеча тунадим», — дердилар дадам деб ёзади Ҳабибулло Қодирий¹. Абдулла Қодирий «Ўткан кунлар» ни ёзишда бундан ташқари ҳам жуда кўп қийинчиликлар кўргани, роман учун маълумот йиғаман деб шаҳар, қишлоқларни кезиб кўп юргани, ўша даврни кўрган, эшитган, билган шахсларни излагани, улар билан суҳбатлашгани натижаси машҳур «Ўткан кунлар» ёзилди.

Тоғай Мурод ҳам романни ёзиш жараёнида бўлажак қаҳрамонларини излагани, уларни ўз кўзи билан кўриб, гаплашиб, ишонч ҳосил қилгандан кейин қоғозга туширгани ҳақида шундай ёзади:

«Илк кўкламда Олтинсой туманига йўл олдим. Туман катталари билан юзлашдим.

— Мен сизни Алиқулов бригадасига олиб бораман, — деди хўжалик раиси Тошбоев. — Фақат айбга буюрмайсиз, Алиқулов бет-боши сал оқариб қолган.

— Оқариб қолган? — дея анграйдим.

¹ Ҳабибулло Қодирий. Абдулла Қодирий. Ўткан кунлар китобидаги сўнгсўз. Шарқ-2000. Б-391.

– Чин, чин, – деди туман вакили. – Дастлаб кўришимда мен ҳам шундай деб ўйлаб эдим.

– Бети ҳалиги бир касалдай оқариб қолган, – деди Тешабоев. – Бари жазирамада куйиб-пишиб ишлашидан.

Раис айтмиши Алиқулов дала шийпонини макон этдим.

Мен бўлажак.... Деҳқонқул билан юзма-юз бўлдим.

Мен бўлажак.... Деҳқонқул далаларини иш жойим этдим.

Деҳқонлар қандай кийимда бўлса – мен ҳам шундай кийиб олдим.

Деҳқонлар ўтирса – ўтирдим, деҳқонлар турса-турдим»¹.

Тоғай Мурод роман қаҳрамонлари билан бирга юрди, улар билан суҳбатда бўлди. Бирга ишлади, бирга овқатланди, бирга нафас олди, натижа машҳур «Отамдан қолган далалар» бўлди.

Тоғай Муроднинг ишлаш услуби, ёзаётган асарга меҳрини шоир Чоршамъ шундай эслайди: Бизнинг суҳбатларимиз асосан адабиёт ва спорт мавзусида бўлар эди. Тоғай ака ёзажак асарлари ҳақида тўлқинланиб сўзлар эди:

«– Мен ёзмоқчи бўлган асарим мавзусини майда деталларигача ўрганиб чиқаман. Тасвирлаётган жойимни бориб ўз кўзим билан кўраман, бўлмаса кўнглим тўлмайди. Асар пишиб-етилгандан кейин эса, уйга қамалиб оламан. Чунки бу пайт менга ҳеч ким халақит бермаслиги керак. Енгил чойшабга ўраниб ётиб оламан. Ёзган варақларимни каравот остига ташлайвераман. Варақлар уюлиб кетади. Асарни бутунлай ёзиб бўлганимдан сўнг варақларни йиғиштириб олиб, тартибга соламан. Кейин қайта ишлашга киришаман»². Юқоридаги икки ижодкорнинг асар ёзишдаги услуби, қатъийлиги, ўзига талабчанлиги нафақат ўзлари учун, балки бутун ўзбек халқи учун шов-шувларга сабаб бўлган асарларнинг туғилишига сабаб бўлди. Уларнинг, ҳатто, асар ёзишда ҳам ўзгача услуби бўлган.

«Тоғай Мурод ижод тўлғоғида эди, – деб эслайди Жўра Қодиров. – У бутунлай бошқача қиёфа касб этганди. Мени

¹ Тоғай Мурод. Отамдан қолган далалар.

² Мен қайтиб келаман, Тоғай Мурод замондошлари хотирасида. Т: Янги аср авлоди-2007. Б-145.

кўрдим демасди: олдидаги пиёладаги қачонлардир сузилган чой қотиб, сарғайиб қолган. Идишдаги сўлиган узумларга қўл ҳам урилмаган. Нон ҳам тарашадай қотган. Адибнинг соқоллари ўсган, аммо бу унга ярашган»¹.

Ёзувчининг ўша вақтларда 1988 йил 29 январь «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасига берган интервьюси ҳам буни тасдиқлайди. — *Менми?* — деб ёзади адиб. — *Мен «Отамдан қолган далалар» деган бир асар дардида юрибман. Эҳтимол, роман бўлар, эҳтимол, қисса бўлар? Билмадим. Ишқилиб, кўнглимда борини тўкиб соламан*².

Лекин адибнинг кўнгли Сурхон элидан тўлмайд қайтди. «Олтинсой тонги» газетанинг бир сонидан ёзувчи «Сўфи Оллоёр ким бўлган?» сарлавҳали мақоласини эълон қилади. Бу мақола ўз даврида кимларга ёқди, кимларга ёқмади. Ўша даврнинг ҳавосини бир умр ютиб юришни истаган баъзи бир кимсалар газетанинг ўша сонини Ўзбекистон Компартияси Марказий комететининг биринчи котибига жўнатишади. Воқеанинг асл таҳлилини Жўра Қодиров қўйидагича келтиради: «Улкан залга ўлик, бераҳм сукунат тушган. Ҳамма ҳозир зўр бир одамни дафн этиб келишгандай. Шу мотамсаро сукунатни минбарга кўтарилган райком ходими бўлиб юборди. У бюро қарорини ўқишга киришди. «Газета бош муҳаррири Эшмирза Муҳаммадиевга қаттиқ ҳайфсан берилсин. Бўлим мудирлари огоҳлантирилсин. «Сўфи Оллоёр ким бўлган?» мақоласининг муаллифи Тоғай Мурод газета ишидан четлатилсин»³. Мақола муаллифининг бу қадар қаттиқ жазоланишига нима сабаб бўлган? Сабаб — қўйидаги сўзлар: «*Эй мусулмон бандаси, жон берар чоғингда кимни эслайсан? Партияними? Комсомолними? Албатта, Худо дейсан. Отажон-онажон дейсан. Минбаъд ҳали мен айтганларни айтмайсан. Отажонинг, онажонинг жанозасида эса, тирик туриб, бир сиқим тупроқ ташлай олмасанг!»* Мана шу сўзлар, кўзланган манзилга етган,

¹ Мен қайтиб келаман, Тоғай Мурод замондошлари хотирасида. Т: Янги аср авлоди-2007. Б-136.

² Тоғай Мурод. Ўзбекистон адабиёти ва санъати-1988. 29 январь.

³ Мен қайтиб келаман, Тоғай Мурод замондошлари хотирасида. Т: Янги аср авлоди-2007. Б-138.

гап эгасини топиб улгурган эди. Улар мана шу сўзлардан, ҳақиқатдан кўрқиб ёзувчини ўзларича жазолаган бўлишди. Лекин, Тоғай Муроднинг гапларини, ёзган ёзуқларини йўқотиша олмади. Бу мақоладан кейин Тоғай Мурод номи одамлар онгига янада маҳкамроқ ва чуқурроқ ўрнаша борди. Райкомнинг бюро йиғилишида астойдил қораланган бу мақола адиб шуҳратига яна шуҳрат кўшилишига хизмат қилди. Адиб биргина бу билан чекланган эмас, ҳамма асарларида миллий қадриятлар, қадамжолар, азалий урф-одатларни тараннум этиб ёзаверди. «Ойдинда юрган одамлар» асарида адиб бу мавзуга яна қайтди. Бу гал Суфи Оллоёрни батафсил тадқиқ қилди, борича намойиш этиб берди. «Эл Оллоёр мозорини теварагини деворлаб олди. Эл, мозорни зиёратгоҳ этди. Эл яхши-ёмон кунларда ана шу мозорга сиғинажак бўлди. Оллоёр ўлаётиб, нима деб васият қилиб эди? Эй, фарзандсизлар, мозоримга сиғининглар, мен сизларга фарзанд бераман, деб эдимми? (Худога ишонинглар демоқчи – А.Ў.) Оллоёр ўлими олдидан қавмларига мана бундай васият қилди:

Ман ўлсам, эй жамъи маҳрами роз,
Мани ўзга ўликдек қилманг эъзоз.
Хасу хор устига ташлаб, тутунг хор
Қилиб мандек баҳодин жисмидан ор.
Бўсаға устига ташланг танамни,
Кафан айланг чурук пироханимни.
Манга ҳайф этмангизлар тутмоғон бўз,
Агар чандеки мардум қилсалар сўз.
Юборинг тез боратурғон йўлимға,
Мабодо қолмагайсиз шумлиғимға.
Кўзингиздан чиқорманг қатраи ёш,
Жанозам орқасидан отингиз тош.
Оёғимдан тутиб, судранг лаҳадга...»¹

Бундан кўринадики, Тоғай Мурод ижодида бу каби миллий руҳ етакчи куч ҳисобланади. «*Ишқилиб кўнглимни тўкиб соламан*» дея бошланган бу асар охир-оқибат катта шов-шув-

¹ Тоғай Мурод. Танланган асарлар: Ойдинда юрган одамлар. Т:Шарқ-2008. Б-258.

ларга сабаб бўлган роман бўлиб чиқди. Асарни ўқиб бошлаган одам: биз асли ким эдигу, ким бўлдик?» деган саволга жавоб топгандек бўлади. Биз қулликка маҳкум этилгандик, етмиш йил давомида ўзбекнинг манглайига ёзиб қўйилган битта ҳалол, эзилган ҳунари қолган эди — деҳқончилик. «Биз ким бўлмайлик, қаерда туғилиб, қаерда яшамайлик, деҳқон, Ўзбекистон эса пахтазор эди. Деҳқонча ўйлардик, пахтанинг бўйича келарди фикрларимизнинг бўйлари. Қаранг, боболаримиз ким эди? — Жамолиддин кетмон? Ақраб қўрбоши? Биз ким бўлдик? — Деҳқонқул!»¹ Адиб бу билан нима демоқчи? Дўппини олиб ўйлаб кўрилса, романдаги воқеалар ривожини бир маромда оғриқсиз юрагимизга кириб боради. Ақраб қўрбошинини нега тузумга қарши қўйди? Бу ҳаммаси Деҳқонқул қисматини ёрқинроқ намойиш қилиш учун, асарнинг таъсир кучини кенгайтириш учун, энг асосийси, бизга юқорида келтириб ўтганимиздек, кимлигимизни намойиш қилиш, шу тарзда ўзлигимизни англаштириш учун қўлланилган услубдир.

Тоғай Муроднинг 1994 — 1998 йилларда ёзилган «Бу дунёда ўлиб бўлмайди» романи ҳам тўрт йилда ёзилди. Шунингдек, адибнинг яна тўрт-бешта ўзига хос мақолалари ҳам жамоатчилик эътиборини қозонди. «Газетага интервью», «Э. Сетон-Томпсон китобига сўзбошим», «Ёш қаламкашларга тилагим», «Ёзувчилар уюшмасининг олтмиш йиллигига тўйхат», «Мен».

Чинакам адибнинг «тасодифий» ёзувлари ҳам, йўл-йўлакай айтганлари — суҳбатлари ҳам мумтоз, ўзига хос. Улар учун шунчаки ёзиш мумкин эмасдай.

¹ Мен қайтиб келаман, Тоғай Мурод замондошлари хотирасида. Т: Янги аср аводи-2007. Б-201

ҚАДРИЯТЛАРНИ ҚАДРЛАБ

Халқ оғзаки ижоди ёзувнинг ва ёзма адабиётнинг пайдо бўлишидан кўп асрлар илгари юзага келган бўлиб, ёзма адабиёт вужудга келишига замин ҳозирлаган. Ёзма адабиёт пайдо бўлгач, у билан мустақкам алоқада, бир-бирига ўзаро таъсир кўрсатган ҳолда ривожланиб борган. У ўзида халқ ҳаётини, халқ аҳамиятига молик тарихий воқеаларни акс эттиради. Шунинг учун унда бадиий тўқима ва фантазия катта ўрин тутди. Халқ оғзаки ижоди жанрлари даврлар ўтиши билан янгиланиб турган. Бу бевосита халқ ҳаёти, унинг ҳаётий-эстетик эҳтиёжи билан боғлиқ ҳолда юз берган. Шунинг учун ҳам халқ ижоди ҳамма вақт прогрессив аҳамият касб этган. Чунки у халқнинг орзу-умидлари, интилиш ва қизиқишларини акс эттирган. Унда халқнинг маиший турмуши, дунёқараши, фалсафий дунёси, руҳияти тўла акс этгани учун, ўз моҳияти жиҳатидан катта тарбиявий ва таълимий аҳамият касб этади.

Шунингдек, халқ оғзаки ижоди асарларида табиат тасвирлари, ҳаётий лавҳалар, нозик ишланган образлар мавжуд бўлиб, уларни ўрганиш бадиий-эстетик тажрибада катта роль ўйнайди. Улар инсон маънавий дунёсини бойитади, бадиий дидни ўткирлаштиради.

Тоғай Мурод ижодининг муҳим қисмини ташкил этадиган миллийлик, фольклор анъанаси ўзгача жозиба касб этади. «Юлдузлар мангу ёнади» асаридаги Бўри полвон онасининг эчки соғишдаги кўшиғига эътибор берайлик:

*Эсли молим, оқилим, чурия-чур-эй,
Елкамдаги кокилим, чурия-чур-эй,
Шунча молнинг ичида, чурия-чур-эй,
Боғда очилган гулим, чурия-чур-эй¹.*

Адибнинг фольклор анъаналаридан ўринли фойдалангани, ўқувчига таъсир қиладиган нуқталарини топиб ёзгани-

¹ Тоғай Мурод. Танланган асарлар: Юлдузлар мангу ёнади. Т: Шарқ-2008.Б-24.

нинг гувоҳи бўламиз. Яъни, асарда жанр жиҳатидан хилма-хил фольклор намуналари бир неча жойда қўлланган. Адиб бу билан халқнинг дунёқарашини, салоҳиятини, орзу-интилишларини қаламга олади. Шундай экан, Тоғай Мурод миллий қадриятларимизнинг кўп қирраларини ўзида жамлаган муҳим асарлар яратди, десак муболаға бўлмайди. Бу билан ўқувчиларда ватанпарварлик, бағри кенглик, меҳр-оқибат, ор-номус тўйгуларини шакллантиришга ҳаракат қилади. Зеро, ҳар қандай истеъдод соҳибининг, қайси бир соҳада бўлишидан қатъи назар халқ, Ватан тақдиридан ўзини айрича ҳис қилиб, шахсий манфаати учун яшаганлигининг гувоҳи бўлмаганмиз. Бинобарин, Тоғай Мурод ижодининг юзи бўлган миллийлик, азалий қадриятлар, халқ оғзаки ижоди адибнинг ҳаёт воқеа-ҳодисаларидан узоқлашмай, ҳақиқатдан чекинмай ижод қилишига замин бўлди. Адибнинг ҳар бир асарида халқ оғзаки ижодига мурожаат қилиши, ноёб дурдоналарни моҳирона қўллаши бежиз эмас.

«Халқ нимаси билан халқ? Ўзининг урф-одатлари билан халқ! Ота-бобосидан қолган миллий анъаналари билан халқ! Кўп урф-одатларимизни бировлар.... бировлар ўзиники қилиб олди! Биз қўлимизни бурнимизга тиқиб қолдик. Шундай кета берсак, ҳадемай.... ўзимизни-да бой бериб қўямиз! Бу ёғи камдай, не-не нималаримизни эскилик сарқити деб йўқ қилдик. Хиёл бўлмаса, халқнинг ўзини-даэскилик сарқитига чиқариб юборайин дедик!»¹

Мана, адиб асар қаҳрамони Бўри полвон тили билан халқ дардини, юрагининг дил зорларини баён қилмоқда. Яъни, эркисизликдан эзилиб, оғир меҳнатдан тинка-мадори қуриб, лекин юрагига бетимсол умидлар йиғиб яшаган, шу умид билан ўзлигини, ор-номусини, тупроғини эъзозлаган халқ тили билан гапиради.

Тоғай Мурод ижодида жамиятнинг ижтимоий аҳволига кўра, ахлоқий-тарбиявий жиҳатларига ўзгача усулда ёндашилади. Асарнинг тарбиявий аҳамияти катта. Ундаги қаҳрамонлар ўзларининг ҳалоллиги ва тўғрилиги, мардлиги ва

¹ Тоғай Мурод. Танланган асарлар: Юлдузлар мангу ёнади. Т: Шарқ-2008.Б-24.

бир сўзлилиги билан диққатимизни жалб қилади. Адиб «От кишнаган оқшом» асарида, Зиёдулла кал образини асосий қаҳрамон қилиб кўрсатиш билан бирга, унга ҳамроҳ сифатида Тарлонни ўқувчиларга таништиради. Тарлонни вафодор жонивор тимсолида гавдалантириши билан бир қаторда, иккинчи тарафдан жамиятдаги турли иллатларни, шахс ва халқ ўртасидаги муносабатларни очиб беришга ҳаракат қилади. Пировард натижада, яхшилик ва ёмонлик, эзгулик ва ёвузлик, ҳалол ва ҳаром, мардлик ва иккиюзламачилик тушунчалари маъно ва мазмуни жиҳатидан ўз ечимини топади.

Тоғай Мурод адабий тур ва жанрларнинг қайси бир кўринишида ижод қилмасин, ҳамиша ва ҳамма ҳолатда фақат ягона бир буюк мақсад, орзу билан яшади. Яъни, ўз халқини жаҳондаги энг тараққий этган, ўзлигини унутмаган, миллий қадриятларини асраб-авайлаган юксак маданиятли халқ даражасига кўтаришга ҳаракат қилди. Бу борада фақат орзу билан чекланиб қолмади, балки уларнинг амалий ва самарали ечимини ҳам топа билди. Хусусан, «Отамдан қолган дала-лар», «Ойдинда юрган одамлар», «Момо ер қўшиғи» асарларида унинг миллий ва нафис бир тизимини яратди. Миллий маданиятимизнинг муҳим бир бўлаги ҳисобланган халқ оғзаки ижоди, фольклор анъаналарининг ўзига хос бадиий ифода меъёрини ишлаб чиқди.

Миллий қаҳрамон яратиш, адабий жараёнга ранг-баранг услубий-ғоявий тажрибаларни олиб кириш, пировардида асарни миллий асар даражасига олиб чиқиш адибларимиз олдидаги асосий вазифа бўлиб келди. Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар»ини мана неча йилдирки, қўлдан қўймаймиз. Чунки, асар қаҳрамонлари Отабек, Юсуфбек ҳожи, Кумушбиби образларининг гап-сўзлари, юриш-туриши, ҳатто қарашидан миллийлик нафаси уфуриб туради. Уларни адиб бизга тиқиштиради, улар ўзлари ичимизга кириб келди. Бизнинг жон-жонимизга, юрагимизнинг туб-тубига жойлашиб қолди. Бу каби қаҳрамонлар бизга керак эди. Биз уларга ташна эдик. Бу энг оғир, мутеликда кечган йилларда ҳам эзгулик уруғини кўнгилларга солган асар бўлиб қолди.

Кейинги йилларда ҳам миллат шаънини улуғловчи, инсонпарварлик гоёларини кенг тарғиб қилишга қаратилган бир қанча асарлар яратилди. Жумладан, Тоғай Муроднинг асарлари бу борада ўз сўзини айта олди. Шу нуқтаи назардан қараганда, Тоғай Мурод миллий қаҳрамонларнинг тарихий ҳақиқатини англаш, тушуниш ва тушунтиришда ўз услуги, ўз йўлидан борди. Ҳар қандай бадиий асарнинг миллийлиги, аввало, ўша миллатга хос хусусиятлар, тийнат, руҳият акс этганда, воқеалар, ҳодисалар тасвирида, фақат ўша миллатга хос ифода йўсинида, яъни, услубда намоён бўлади. Услуб – бу ижодкорнинг тасвирлаш усули ҳисобланади. Тоғай Мурод адабиётга ўзининг услуги билан кириб келди. Адиб яратган қиссалар тили равонлиги, образларининг характер жиҳатидан миллийлиги билан бошқа асарлардан ажралиб туради.

Тоғай Мурод бугунги кунда ўзбек адабиётида кенг доирадаги ўқувчиларга мўлжалланган «тил учида» ёзилган асарлардан фарқли ўлароқ, китобхонларни жиддий ўйлашга чорлайдиган, миллий урф-одатлар, қадриятлар ҳақида батафсил маълумот берилган, тил услуги жиҳатидан ўзгача бўлган жанрда қиссалар битди ва ўқувчиларига тақдим қилди.

«Бобомиз ҳовлиси Фарғонада бўлади.

Даласи Фарғона адоғида бўлади.

Бобомиз даласи олдидан бир ариқ сув оқади.

Сув гавҳар зилол-гавҳар зилол сув бўлади.

Сув эгилмиш толлар мажнун-мажнун солланади».¹

Ушбу жумлада миллий образлар (ҳовли, сув, дала, мажнунтол, ариқ каби) адибнинг олис мозийни, ажодлари тақдирини миллий жиҳатдан ифода этишдаги ўзига хос услубий тил воситалари бўлганлиги учун жиддий қизиқиш ўйотади. Адиб асарни шу қадар равон битадики, ўқувчи уни ўқиш билан бир қаторда, ўша воқеалар, унинг кўз олдида бирмабир гавдаланади. «Бобомиз ҳовлиси Фарғонада бўлади» – ишҳаракат келаси замонда қўлланмоқда. Лекин уни ўқиш жараёнида биз ўтган замондаги воқеалар гувоҳи бўламиз. Адибнинг

¹ Тоғай Мурод. Отамдан қолган далалар. Т: Шарқ-1994, Б-5.

бу услубда ёзишининг ўзи воқеалар ривожига туртки бўлади. Бадиий асарнинг тили, ёзувчининг сўзи ўқувчилар кайфиятини ўзгартиришга қодир. Адабиётда бадиий тил маълум усул ва услублар орқали ифодаланади. Бунда эса ёзувчининг дунёқараши, у яратган асарнинг асосини ташкил қилувчи ғоялар, тасвир ва тафсилотлар доираси, ифода воситалари, тили ва услуби тушунилади. Шу ўринда атоқли адибимиз О. Ёқубовнинг қўйидаги сўзларини келтириб ўтиш ўринли бўлар эди: «Адабиётда услублар ранг-баранглигини ҳеч ким инкор этмайди. Бироқ, китобхонга, халққа сингмайдиган, худди узоқ ўлкалардан кўчириб олиб келинган дарахт мисоли табиати-мизга мослаша олмайдиган услубларга маҳлиё бўлиш, ўз ўзини алдашдан бўлак нарса эмас. Биз қандай услубда ёзмайлик, халқ руҳига қувват бўладиган, маънавиятини бойитадиган, севиб ўқиладиган асарлар яратайлик»¹. Тоғай Мурод асарларидаги миллийлик, услубий янгилик ўзгача оҳанг берди. Тоғай Муроднинг миллий қаҳрамонлари фикрлаш тарзида намён бўлган юксак тафаккур ва туйғулар, бағри кенг, меҳнаткаш халқимиз маънавий-интеллектуал бойлигининг нишонларидир. Адиб асарлари услубий жиҳатдан сирти тўлқинли, туби-асли қудратли уммонни эслатади. Тоғай Мурод асарларининг услубий бетакрорлиги шундаки, у беҳад меҳнатсевар, ватанпарвар, инсонларнинг ёруғ ҳаётини, бир сиқим тупроғини унга бегона қилмоқчи бўлганларга, зулмкорликни ўзига касб қилиб олганларга нафратини халқ тили билан ифодалайди. Шунингдек, адиб асарларида мардлик, ор-номус, севги ва нафрат, жасурлик, адолат ва ноҳақлик, улғуворлик ва тубанлик, жисмоний ва руҳий баркамоллик, шахс ва халқ манфаатларининг тўқнашуви, мангулик ва фонийлик, хуллас, инсоният ҳаётининг деярли барча қирраларини ҳаётий, ишонарли, ўзига хос тарзда тасвирлаб берган.

Тоғай Мурод ижодининг муҳим қирраси сифатида шуни айтиб ўтишимиз мумкинки, у ҳаётий воқеаларнинг энг нозик томонлари, характерли нуқталарини топиб, уларни ба-тафсил, икир-чикирларигача тасвирлай олади.

¹ 1994 йил. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг йил якунига бағишланган йиғилишидан.

«Дала кўнгли нозик бўлади — вақт-бевақт оралай берса, кўнглига олади.

Дала феъли инжиқ бўлади. — бот-бот трактор сола берса, айниб қолади.»¹

Ушбу асарда асосий қаҳрамон Деҳқонқул қисмати ёритилган. Асарни ўқир экансиз, адибнинг маҳоратига тан бермай илож йўқ. Бир деҳқоннинг қиладиган юмуши, ерга қиладиган муомаласи, ерни тушуниши тасвири таҳсинга сазовордир. Қолаверса, пахтакорнинг ҳуддан ақрабгача бўлган кундалик юмуши, оппоқ пахтаинг қора меҳнати ўта ҳаққоний тасвирланади. Асар манаман деган агроном учун бадиий қўлланма бўла олади(А. Расулов).

Тоғай Муроднинг аксар асарларида Сурхон воҳасининг сўлим қир-адирлари, танти ва меҳнатсевар одамлари ҳаёти, тоғу тошларининг бетакрор манзаралари қаламга олинади. Адиб бу маконни ўзгача меҳр билан тасвирлагани сезилиб туради. Ана шу тасвирлар унинг асарларига миллий руҳ бағишлайди. Шунингдек, кўпқари, кураш каби миллий ўйинлар воситасида ўзбек халқининг миллий турмуш тарзи акс эттирилган. Табиат манзараларини қаҳрамонлар характер-ҳолати, кечинмалари билан узвий боғлиқ ҳолда тасвирлаш — адиб асарларининг етакчи хусусияти ҳисобланади. Жумладан, асарда табиат ўзгаришларини қаҳрамонлар кайфиятига қараб, ўзгача услубда ифодалайди:

«Тулки қизига тўй берди.

Кун қиялаб-қиялаб нур тўкди. Кун сариқ-сариқ нур тўкди.

Кун бетини кўриб бўлмади. Кун нурига қараб бўлмади.

Олам илиқ-илиқ бўлди. Олам сариқ-сариқ бўлди.

Ҳавода оппоқ-оппоқ бир нималар учди. Ҳавола-ҳавола учди. Айлана-айлана учди. Бурала-бурала учди.

Осмон мисоли ун элакламиш-ун элакламиш бўлди. Оппоқ булутлар орасидан кун тўкилиб-тўкилиб турди.»²

Адиб Серқўёш замин табиатини жуда синчковлик билан кузатган. Шу боис бу манзарани моҳир мусаввир каби

¹ Тоғай Мурод. Отамдан қолган далалар: Т: Шарқ-1994. Б-80.

² Тоғай Мурод. Отамдан қолган далалар: Т:Шарқ-1994. Б-105.

аниқ тасвирлайди. «*Тулки қизига тўй берди*». Бу жумлани адиб ўзи топиб айтгани йўқ. Бу қадимдан ота-боболаримиздан ўтиб келаётган иборадир. Яъни, осмонда йирик-йирик қор парчалари ўйноқлаб кўриниш беради. Қуёш зангори тус олса ҳам, ўз тароватини йўқотмай турган пайт бўлади. Шу вақтни деҳқонлар тулки қизига тўй берди дейишади. Тоғай Мурод сўзларни бежиз шеър каби тагма-таг жойлаштирмайди, бу асарнинг ўқилишини равон қилиб, маъно жиҳатидан таъсир кучини кенгайтиради. Асардаги ундов белгилари ва уч нуқталарнинг мўл-кўл қўлланиши ҳам бекорга эмас. Тагма-таг ёзилган сўз-гаплар ёнма-ён қўйилса, ифода таровати йўқолиб кетиши мумкин. (Қозоқбой Йўлдошев). Адиб жамиятдаги ижтимоий ҳаёт иллатларини ҳам табиат ҳодисалари билан боғлаб тасвирлайди.

Бундан кўриниб турибдики, адибнинг диққат марказида миллийликни тараннум этиш мақсади ётади. Табиат манзарасидан ҳам, қадимги урф-одатлардан ҳам, одамларнинг бир-бирига меҳр-оқибатидан ҳам адиб миллий руҳ, миллий характер ахтаради ва бунга эришади. Тоғай Мурод ушбу асарида ўзгача йўлдан боради. У асар қаҳрамони Деҳқонкул қисмати билан баробар, бутун миллат қисматини очиб беришга ҳаракат қилади. Ўша йиллари меҳнаткаш халқ бошига келган кўргулик сара инсонларни олиб кетди. Адиб бу борада бир тўхтама келиш олдидан яхшилаб мулоҳаза қилади. Яъни, оддий деҳқон, ерни ўз фарзандидай алқайдиган, уни миридан-сиригача биладиган, ўз умрини ерга бағишлаган инсон охир-оқибат мутлоқо кераксиз буюмга чиқариб ташлангани, уни ўзига ҳам номаълум бўлган айб билан айбдор қилишганини халқ тили билан очиб беради. Шу билан бирга, қаҳрамонлар ҳаёти бир-бирини мазмунан тўлдириб боради. Адиб ҳар бир воқеа тўғрисида ёзар экан, аввало, миллий руҳ (ватанпарварлик, бағри кенглик, меҳр-оқибат, ор-номус)ни ифодалайди, кейин уларни батафсил шарҳлаб, умумий мазмунини келтириб чиқаради. Асарда миллатнинг бирлиги, ватан тупроғи ҳар нарсадан муқаддас эканлиги, инсонлар орасидаги муносабат хусусида такрорланмас жумлаларни келтириб ўтади. «*Момиқ-момиқ оқлиқдан кўзларимни очдим. Тонг тўрқади. Дунё таги*

оқариб-оқариб кела берди.»¹ Тонг тўркади. Адиб тонгни ҳам одамларнинг кундалик юмушидай, бир хилликдамас, ўзгача оҳангда тасвирламоқда. Тонг отди, кўёш чиқди, тонг ёришиб келмоқда каби одатий сўзлардан қочиш Тоғай Муроднинг ўзига хос услубидан далолат беради. Бу каби жумлаларни ўқир экансиз, моҳир рассом чизган бир лавҳа дейсиз тасвирни. Тоғай Мурод асарларида ўзига хос тасвирларни, қиёфаларни-да кўришимиз мумкин.

Тоғай Мурод инсон руҳиятига хос зиддиятлар, ботиний галаёнларни жайдари тилда куйлайди. Унинг асарларида нафрат ҳам, ачиниш, ҳамфараҳ-бахтиёрликдан маст дилнинг зарблари ҳам ўзгача бир маром, ўзгача бир жозиба билан сўзлайди. Адибнинг бу сўзлари маъносини англаб олмоқ учун асар услубига тушунишимиз керак. Яъни, фикрий жиҳатдан асарга сингишимиз, Тоғай Муроднинг бетакрор тил гўзаллигига асир бўлмоғимиз лозим. Зеро, Америка ёзувчиси Френк Норис айтганидек, халқ тушуна олмаган (қабул қилмаган) санъат, охир-оқибатда яшаб қололмайди ва ўз қимматини келажак авлодларга ҳеч қачон етказа олмайди... эътироф этишга тўғри келадиган охириги ҳукм чиқармоқ ҳуқуқи Халқ кўлида бўлади.

Тоғай Мурод асарлари ҳам бадиий асарларнинг тили ва услубий хусусиятларида қиёсий жиҳатдан мукаммал, халқ тили билан айтганда содда ва равон битилгандир. Бу ҳол асарнинг кўп йиллар ўқувчилар кўлидан тушмай ўқилишига замин бўла олади. Шу ўринда адабиётимизнинг йирик назариётчиларидан бири — Фитратнинг кўйидаги сўзларини келтириб ўтишни ўринли деб топдик: «Шоирнинг хаёли, ўй, тушуниш шакллари тугал, комил бўлгач, ўзига яраша услуби ҳам борлиққа чиққан бўладир.....бир асардаги фикрлар, маълумотларнинг эски, бошқа шоирлар томонидан айтилган бўлиши мумкиндир. Уларнинг эскилигини бизга сездирмасдан, билдирмасдан ифода қилиб, бизга ўқита олган куч услубдир».

Халқимизда «Яхши сўз — қиличдан ҳам кучли» деган

¹ Тоғай Мурод. Отамдан қолган далалар: Т:Шарқ-1994. Б-145.

гап бор. Ўрнида ишлатилган сўзлар, ёрқин ва дилдан баён этилган нутқ, бамаъни фикр ҳар доим одамларнинг хулқ-атворига ижобий таъсир кўрсатади. Ана шундай яхши сўз ва ўзига хос фикрлар бугунги кун ўқувчиларининг миллий истиқлол ғояларига садоқатли ва Ватан тақдирига бефарқ бўлмаган комил инсонлар бўлиб етишишида муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Истеъдодли адиб Тоғай Мурод қиссаларида ана шундай яхши ва тўғри сўз, миллийлигимизни сақлаган, ўзлигимизга дахлдор теран қадриятлар ифода этилади. Адиб ўз асарларининг ўқувчилар қалбига тезроқ, таъсир кучини йўқотмаган ҳолда етиб бориши учун бор маҳоратини ишга солади. Тоғай Мурод қиссалари мазмун жиҳатидан миллий, ёзилиш жиҳатидан мураккабликка эга бўлган асарлардир. *«Ёрмазорда муҳташам бир масжид-мадраса бўлади. Оқпошо мўмин-мазлумни ана шу Ёрмазор масжид-мадраса қошида тўдалайди. Мўмин-мазлум мунгайиб-мунгайиб туради. Мўмин-мазлум жавдираб-жавдираб туради. Мўмин-мазлум бир-бирови кўксига йиғлайди. Мўмин-мазлум бир-бирови елкасига йиғлайди. Мўмин-мазлум узун кун ана шундай туради»*¹. Битта бўлим, еттига гап, ўттиз учта сўз. Эътибор беринг, адиб мана шу бўлимда келтирган гапларда «мўмин-мазлум» сифатини олти марта такрорляпти. Яъни, ҳар битта гапда шу сифат қайта қўлланилмоқда. Бундан ташқари, «масжид-мадраса», «Ёрмазор», «бир-бирови», «йиғлайди» сўзлари икки мартадан қўлланилган. Бундан кўриниб турибдики, такрор қўлланилаётган сўзлар сони ўн тўртта, бўлимда эса умумий ўттиз учта сўз ишлатилган. Демак, гапларнинг деярли ярим сўзлари такрор қўлланилмоқда. Бу адибнинг ўзига хос усули, яъни сўзларни такрор қўллаш орқали асарни бойитиш ва таъсирчанлигини оширишидир. «Ёрмазор», «муҳташам бир масжид-мадраса», «мўмин-мазлум», «кўксига йиғлайди», «елкасига йиғлайди» — бу сўз-иборалар ўз миллий қадриятларимиз, кечмишларимиз акс эттирилган, миллийлик нафаси уфуриб турган тил бирикларидир.

¹ Тоғай Мурод. Отамдан қолган далалар: Т:Шарқ-1994.Б-15.

Шундай экан, Тоғай Муроднинг ёзилиши жиҳатидан мукамал, яъни, сўзларни такрор қўлаш ва қисқа бобларда катта воқеаларни акс эттириш ҳамда ҳар бир гапда, ҳар бир сўзда миллийликка, азалий қадриятларимизга эътибор берилиши таҳсинга сазовордир. Аммо, баъзи ўринларда ишлатилган чўзиқ такрорлар ортиқча бўлиб, адибнинг ўзгача усули китобхонда тушунмовчиликлар келтириб чиқариши мумкин. «Самолёт бинойидай дори сеполмаяпти, самолёт бинойидай дори сеполмаяпти!», «Узумбош чумчуқ чўқилаб ташламишдай – чумчуқ чўқилаб ташламишдай бўлиб қолди..» Бироқ, бу каби чўзиқ такрорлар ҳамма жойда ҳам кўзга ташланмагани, баъзи ўринларда қўлланилгани учун адибнинг серқирра истеъдодига салбий таъсир қилмайди. Яъни, китобхонни зериктирмайди.

Халқимиз ўзининг гўзал урф-одатлари, қадриятлари, бетақрор миллий байрамлари билан бошқа халқлардан ажралиб туради. Асрлардан буён қадрланиб келаётган Курбон, Рамазон ҳайитлари, Наврўз, Ҳосил байрамлари, Лола сайли, Қовун сайилларидир. Булар бутун халқ хурсандчилигида нишонланадиган кунлар. Тоғай Мурод асарларида ҳам миллий урф-одатлар, азалий байрамларимиз тасвири алоҳида ўрин тутишини қайд этиш лозим. Адиб асарларида ватанпарварлик, бағрикенглик, миллийлик, қадриятшунослик ўзига хос жиҳатлари билан тасвирланади. Яъни, қаҳрамонлар характеридаги бу жиҳатлар уларнинг қон-қонига сингиб кетгани, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган, унутилмас анъана сифатида намоён бўлади. Бу билан уларнинг ўзлигини теран англаши – атроф-муҳитда кечаётган ҳодисалар ҳамда атрофидаги инсонлар руҳиятида содир бўладиган кечинмалар ўртасида ўзаро мувофиқлик мавжудлигига ишора қилинади: *«Аёллар тағин кимни таклиф этишни маслаҳатлашди. Гап айланди-айланди, охири, Мунаввар отли аёлга бориб тақалди.*

– Бети қурсин, бетидан бузилсин».

Бу гапни Холдон момо айтди.

Аёллар бирдан сергак бўлди. Бир-бирига қаради. Ўзларича қаради, илмоқли қаради. Бирин-кетин бош ирғади.

– Айтганингиз келсин! – деди.

Боиси, элда Мунаввар суюқоёқ аёл, демиш гап оралаб юради....

Сумалак ана шундай улуг ҳам эътиқодга молик таом бўлди!»¹

Тоғай Мурод нафақат асар қаҳрамонларига, балки, ҳар бир воқеага таъриф беради. Воқеалар ривожда тилга олинган ҳар бир муҳим жой номими, байрам сайлими, бирор аҳамиятга молик нарсами, ҳаммасига батафсил тўхталиб ўтади. Юқоридаги парчада келтирилган аёлларнинг сумалак қуйиш манзарасида адиб сумалакнинг бошидан-охиригача батафсил таърифлайди. Қолаверса, унинг тарихи, келиб чиқиш сабабларига ҳам урғу беради. Бундан кўринадики, Тоғай Мурод нафақат қадриятшунос, ватанпарвар ёзувчи, балки тарихчи ҳам экани кўнглимизни фаҳрга тўлдиради.

Истиқлол туфайли унутилган байрамлар, анъана ва маросимлар қайта тикланди. Миллий қадриятлар ва урф-одатларимиз, анъаналаримизни тарғиб қилиш мақсадида китобхонларни жалб қилиш, ёшлар онгида маънавий ва таърифий тушунчаларни бойитиб бориш, адабий меросимизга бўлган меҳр-ҳурматни шакллантиришда адиб асарлари муҳим ўрин тутди. Хусусан, «Ойдинда юрган одамлар» қиссидаги аёлларга сир эркак дунёси, эркакка тилсим аёл, қиз олами ҳиссий, фикрий басират кўзи билан чизиладики, ўзбекнинг ўзбекдан бошқа ҳис қилиши жуда қийин ор-номус, бахт ва бахтсизлик, ҳурмат-иззат, мардлик феъл-атворлари ифода этилади. Донишманд халқимизда «*Инсондан ҳам унинг қадри устун туради*», — деган ҳикматли гап бор. Қадру қиммат эса миллатнинг қадриятларида, орзу-умидларида ўз аксини топади. Президентимиз Ислоҳ Каримов «*Маънавият инсоннинг, халқнинг, жамиятнинг, давлатнинг куч — қудратидир*», деб таъкидлайди. Ёшларимизга ота-боболарининг асрий мероси бўлиб келган миллий қадриятларимизни, гўзал урф-одатларимизни, ахлоқий нормаларини сингдира бориш зарурлигини кўрсатиб беради.

«Отамдан қолган далалар» асарида Тоғай Мурод ўша даврдаги оғир воқеаларни (Деҳқонқул қисмати), бировнинг тақдири билан қизиқмайдиган, фақат шахс манфаатини кўзлаб,

¹ Тоғай Мурод. Ойдинда юрган одамлар. Танланган асрлар. Т: Шарқ-2008.Б-269.

халқни эзадиган тузум кирдикорларини намоиш қилиш билан бир қаторда, матн тағламасида топталган, ер билан яксон қилинган миллий қадриятлар, урф-одатларни ўқувчига эслатиб, намоиш қилиб кетади. Асар мазмунидан шу нарса аён бўладики, халқ эътиқоди ва унинг руҳи шундай қудратли таъсир кучига эгаки, у ҳар бир соғлом фикрловчи инсонни ижодий фаолиятга, касб-корнинг ҳалол бўлишига замин яратади. Ўзбек халқи ана шундай илоҳий марҳаматга сазовор бўлган, ўз миллий эътиқодига эга миллатлардан биридир. Шундай қилиб, миллий қадрият – муайян миллатнинг авлоддан-авлодга ўтиб, узоқ вақт сақланиб келган ахлоқий нормалари, ғоя ва диний эътиқоди, урф-одати, маросимларини ўз ичига олади. Аммо замон зайли билан миллий қадриятларимизга путур етказилди. Танқид қилинмаган анъанамиз, маломат тоши отилмаган миллий обидамиз деярли қолмади. Булардан кўринадики, Тоғай Мурод асарлари тимсолида бугунги кун ўқувчилари унутилиш арафасида турган, маълум маънода, шаклини ўзгартирган қадриятлар ва анъаналаримизнинг асл кўринишини тасаввур қиладилар.

«Саксонинчи йиллар прозаик асарлари хусусида фикр юритган танқидчилар кўпчилик ҳикоя ва қиссаларда ижтимоий фикр салмоғи хийла енгил эканлигини таассуф билан қайд этдилар. Ҳатто бадиий пишиқ «Ойдинда юрган одамлар» (Тоғай Мурод қиссаси) ҳам шу жиҳатдан оқсайди. Асарда муаллиф самимияти, тасвир услуби ўқувчини нечоғлик асир этмасин, пировард натижада китобхонга: урф-одатларни икир-чикиригача кўрсатиш, тасвир этишдан мурод нима? деган ўй тинчлик бермайди» – деб ёзади сурхондарёлик адиб Жовли Хушбоқов¹.

Ж. Хушбоқовнинг бу сўзларида 80-йиллар адабиётида эндигина тармоқланиб бораётган, шу вақтгача бир қолипга солиб қўйилган ўзбек адабиётини ўз ҳолича қолдириш, ўша қолип, ўша бир хиллик жараёнини давом эттириш ғояси илгари сурилади. Зеро ўз асарлари билан ўқувчилар кўнглидан жой олаётган, *«урф-одатларни икир-чикиригача»* ёритиб, эндигина кўзлари очилаётган ёш авлод вакилларига

¹ Жовли Хушбоқов. Муҳаббатнинг олови: Т:Шарқ-1996. Б-8.

миллийликни, ватанпарварлик ғояларини, ўзбек халқининг аслан кимлигини, қадриятларга бой, урф-одатлари олижаноб халқ эканини намойиш қилаётган адиб асарларини «урф-одатларни икир-чикиригача кўрсатиш, тасвир этишдан мурод нима?..» дея иддао қилиши ёзувчи мақсадини тушунмасликдан далолат беради.

«Ўзбек насрида, хусусан ёш носирлар ижодида халқ турмушининг аввал эътибордан четда қолган ёки кам эътибор берилган томонларига — этник қатламларига қизиқиш хийла кучайди: бир вақтлар нуқул «феодал ўтмишининг сарқитлари» деб қаралган хилма-хил удумлар, тўю-маъракалар, маросимлар тасвир доирасига тортила бошланди. Бошдан-оёқ кураш, улоқ сингари удумлар манзарасини гавдалантирувчи ҳикоя, қиссалар пайдо бўлди», деб ёзади Пирмат Шермухамедов¹.

П. Шермухамедовнинг сўзларига қараганда, ўша йиллари ўз сўзига эга бўла бошлаган, «урф-одатларни икир-чикиригача» ёритишга ҳаракат қилаётган ёшлар кўзга ташлана бошлаган. Айни пайтда, халқ турмушининг шу қатламларини, удумларни ўзида ташувчи қаҳрамонлар қиёфалари яратилди. Тоғай Мурод асарларида жонланган бу хил қаҳрамонлар табиийлиги, қолаверса миллий руҳда суғорилганлик даражасининг қуоқлиги билан ажралиб турган.

Истиқлолга эришгач, миллий қадриятларимизни қайтариш йўлида анча ишлар қилинди. Асл ўзбек фарзандларининг топталган қадру қимматини, ғурурини ўз ўрнига қўйиш йўлида қатор тадбирлар амалга оширилди. Кўча, майдон, хиёбонлар, корхона, жамоа хўжаликлари қайта номланди. Миллий армия, миллий боғча, миллий мактаб, миллий банк, миллий чегара ташкил этилди. Миллий пул чиқарилди. Энг асосийси, «МИЛЛИЙ» деган сўзга эга бўлдик.

Тоғай Мурод адабий тур ва жанрларнинг қайси бир кўринишида ижод қилмасин, ҳамиша ва ҳамма ҳолатда фақат ягона бир буюк мақсад, орзу билан яшади. Яъни ўз халқини жаҳондаги энг тараққий этган, ўзлигини унутмаган, миллий қадриятларини асраб-авайлаган юксак маданиятли халқ

¹ Пирмат Шермухамедов. Эътиқоддан чекинмаймиз. Совет Ўзбекистони-1984. 3-июнь.

даражасига кўтаришга ҳаракат қилди. Бу борада фақат орзу билан чекланиб қолмади, балки уларнинг амалий ва самарали ечимини ҳам топа билди. Хусусан, «Отамдан қолган далалар», «Ойдинда юрган одамлар», «Момо ер қўшиғи» асарларида унинг миллий ва нафис бир тизимини яратди. Миллий маданиятимизнинг муҳим бир бўлаги ҳисобланган халқ оғзаки ижоди, фольклор анъаналарининг ўзига хос бадиий ифода меъёрини ишлаб чиқди ва ўқувчиларга етказишга ҳаракат қилди.

«Тоғай Мурод куйиб, ёниб, ўртаниб битган, баъзан фарёд уриб битган «Ойдинда юрган одамлар» қиссасини «Муҳаббат қўшиғи», деб атагим келади»¹, — дейди Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Саид Аҳмад. Устоз адиб қисса номини ўқишингиз биланоқ сизни аллақандай сирли-сеҳрли ойдин кеча бағрига олади, дея асарга оқилона ва тўғри баҳони беради. Юқорида келтирганимиз Ж. Хушбоқовнинг ўзгача «кашфиёт»ини ойдинлаштириш учун таниқли адиб, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Одил Ёқубовнинг қўйидаги сўзларини келтириб ўтишни жоиз деб топдик: *«Адабиёт қачон адабиёт бўлади? У бор ҳақиқатни айта олса, ҳаётнинг аччиқ томонларини кўрсата олсагина, адабиёт бўла олади. Майли, ширин дамларни ҳам кўрсатсин. Фақат бир томонлама бўлиб кетмасин, ҳаётнинг бахтли онлари бўлсин, уларниям ёзсин. Лекин ҳақиқатдан кўз юмиб ёзилса, бу асарнинг қиймати бир тийин бўлади. Адабиёт, бу — энг катта масала! Толстой айтган бир гап бор: адабиётнинг бош вазифаси — ҳақиқат, ҳақиқат ва яна бир марта ҳақиқат! Толстой адабий асарга қўйган талабларга Тоғай Мурод ижоди тўғри келади»*.² Эътибор беринг, устоз адибимиз «тўғри келади» деб аниқ фикрни айта олган. Ниҳоят, яна бир мулоҳаза. «Ойдинда юрган одамлар»да Қоплон билан Оймомо тақдирлари ҳақидаги гаплар, деталлар яхши топилган. Уларнинг ҳаммаси бирикиб, қаҳрамонлар тақдиридаги фожей оҳангни

¹ Саид Аҳмад. Тоғай Муроднинг қўшиқлари// Тоғай Муроднинг Танланган асарлари китобига ёзган сўзбошидан. Т:Шарқ-2008. Б-8.

² Одил Ёқубов. Менинг хотираларим//Мен қайтиб келаман Тоғай Мурод замондошлари хотирасида. Т: Янги аср авлоди-2007. Б15

кучайтиришга баравар хизмат қилади. Аниқроғи, бундай тас-
вирлар чуқур руҳий ҳолатлар билан қўшилиб кетади ва ўқув-
чини асарга сеҳрлайди. Адиб асарда қаҳрамонларнинг тақ-
диридаги нохушликлар билан чекланиб қолмайди, воқеа-
лар ривожланиши жараёнида, қолаверса, ҳар бир сўзда мил-
лийлик оҳанглари тараннум этади.

Биз юқорида «қадрият», «урф-одат» сўзларига урғу бе-
риб келдик. Энди қадрият сўзининг мазмунига эътибор бер-
сак. Қадрият жуда кенг тушунча бўлиб, унда миллатнинг
ўзига хос томонлари, феъл атвори, донишмандлиги, мил-
лий ғурури ўз аксини топади. Бошқача қилиб айтганда, мил-
латнинг маданияти, имони, миллий урф-одати, меҳру
оқибати, турмуш тарзи, қўшиқ ва рақслари, миллий либо-
си, миллий тарбиянинг барча қирралари ҳар бир халқнинг
ўзига хослиги қадриятларида намоён бўлади. Қадриятларни
ўрганиш ва қадриятшунослик борасида Ғарб мамлакатлари
бирмунча олдиндадир.

Қадриятлар борасида Ғарб мамлакатларининг маданият
ва санъат муассасалари жуда кўплаб илмий тадқиқотлар олиб
борган. Хозирги кунда бизда ҳам бу борада кўплаб ишлар
олиб борилмоқда. Жумладан, миллий руҳ билан суғорилган
янги бадий асарлар чоп этилмоқда. Дарҳақиқат, бахши ёзувчи
Тоғай Муроднинг илк ҳикоясидан сўнгги романининг охир-
ги жумласигача миллий руҳда. Уларда тилимиз балоғати, сўзи-
миз нафосатини кузатишимиз, қадриятларимиз қадрлани-
шини томоша қилиб, завқланиш мумкин. Тоғай Мурод мил-
латнинг боқий қадриятлари – инсонийлик ўрни, ажаб урф-
одатлари ҳимояси учун қанча хизмат қилган бўлса, унинг
тил софлиги, жилоси, оҳанги учун бундан кам бўлмаган қатъ-
ийлик билан курашди. Қадриятларимизнинг муҳим тарки-
бий қисмини анъана, урф-одат ва маросимлар, байрамлар,
сайиллар ташкил этади. Улар ҳар бир кишининг ахлоқий-
маънавий камолотига бевосита таъсир қилади ва авлоддан-
авлодга мерос бўлиб қолади. Шу ўринда айтиб ўтишимиз ке-
ракки, адиб бошқа тиллар тажовузиде қисилган, эзилган ада-
бий тилимиз билан нафас олди.

Урф-одатлар ҳамма замонларда кишилар ўртасидаги му-
носабатларни бошқариш усули бўлиб келган. Улар инсоннинг

хулқ-атворини белгилайди, унга ўз халқи ёки миллати турмуш тарзини ўрганишдаги асосий восита бўлиб хизмат қилади. Урф-одатлар, байрамлар, маросимлар ва бошқаларда ўзининг амалий ифодасини топади. Масалан: Ўрта Осиё халқларига хос меҳмондўстлик, катталарни ҳурматлаш, ҳашар йўли билан яқинлари, ёру дўстларга кўмаклашиш каби одатлар халқимиз ҳаётининг ажралмас қисмига айланиб қолган. Маросимлардаги у ёки бу хатти-ҳаракатни бажариш, муайян талабларга риоя қилиш кишининг кўпгина хусусиятларини тарбиялайди, унинг руҳий оламига таъсир қилади. Тоғай Мурод тузган жумлалар, айтган фикрларнинг катта қисми ҳикмат бўлиб туғилди.

Тоғай Мурод асарларидаги қўлланилган миллий урф-одатлар ва қадриятларни ўз моҳияти ва амал қилиш доирасига қараб бир неча гуруҳларга бўлдик:

- Табиат билан боғлиқ қадриятлар, яъни инсониятнинг яшаши учун зарур бўлган табиий бойликлар, ўсимликлар ва ҳайвонот оламини асраш, кўпайтириш, улардан тежамли фойдаланишни тарғиб этувчи ғоялар, қарашлар;

- Инсоннинг маданиятини оширишга хизмат қиладиган урф-одатлар — оиладаги маънавий соғлом муҳит, катталарга ҳурмат, ўзаро меҳр-оқибат муносабатлари;

- маънавий қадриятлар — миллатимиз томонидан яратилган ва бизгача етиб келган диний, тарихий, бадиий санъат билан боғлиқ нодир ёдгорликлар;

- халқ оғзаки ижодининг бадиий жиҳатдан қўлланилиши — миллий руҳ акс этган сўзларни шарҳлаб, чуқур изоҳлаб, унутилган, ёхуд бир воҳага тегишли бўлган маҳаллий бўлиб қолаётган сўзларни тилимизга қайтариш.

Тоғай Мурод ижодида сўзлардан ўринли фойдаланиш («сўзга ҳасислик» — А.Ў.) етакчи куч ҳисобланган. Ўша давр ғоявий қарашлари чангалида тожик, арабий дея расмий тилда қўллашга йўл қўйилмай, халқ тилида эса сақланиб қолган кўпгина шева сўзлари — аслида тилимизни бойитиб, маълум ҳудудда ўзининг таъсир доирасини сақлаб келган. Бу сўзларни Тоғай Мурод адабий муомалага олиб кириб, адабий-бадиий тилимизнинг ифодавий заҳирасини кенгайтди. Тоғай Мурод бугунги тилимизда муомалада қўлланиб турган сўзларнинг

бир маънода қолиб кетган, айрим аслига яқин бир неча маъноларини ишга солди: «мурдашуй», «кушхона» «чил», «эмчакдош», «пошикаста», «улгу», «солқи», «бинойи», «мом», «мояк поянаги», «лоппи», «говкалла», «домангир», «чалпак», «вахшимор» каби сўзлар кўплаб учрайди. Бу сўзларнинг бари ота-боболаримиз тилларидан чиққан, муомалада кенг қўлланилган бўлиб, бугунги кунда йўқ бўлиб кетган, ёки бир маънода қўлланилиб келаётган сўзлар эди. Бинобарин, ўзбек тили — бой тил. Тилимизда ҳар бир сўз ўзида иккинчи маънони бериши, оғиздан-оғизга кўчганда кўламини кенгайтириб бориши адиб асарларида яна бир бор ўз тасдиғини топган. Одатда, кундалик сўзлашувларда бир оз чўзиқ ёки қийин сўзларни тилимизга мослаб, қисқартириб ёки бирор ҳарфини тушириб ё кўшиб қўллаб келинади. Вақт ўтиши билан эса, баъзи сўзлар ўзининг асл маъносини йўқотиб, оғзаки муомаладаги вариантда қолиб кетади. Тоғай Мурод ўз асарларида ана шунақа сўзларни асл ҳолида қўллашга, ўз маъносига қайтаришга эришди. Мисол учун «Вахшивор»ни адиб «Ваҳшимор» деб тўғрилаб, маъноси асл аждаҳо илонлар макони эканлигини тиклайди.

Яъни, у китобхонни ёлғондакам асар ўқишга маҳкум этмади, бир марта ўқиб кейин эсидан чиқариб юборадиган даражада ижод қилмади. Тоғай Мурод Толстой қўйган талабларга амал қилиб, ҳақиқатни қоғозга ўраб бўлса-да, очиб берди. «Келин пойандозни бир-бир босиб келди. Юзларида оппоқ ҳарир бўлди. Бошида ипак рўмол бўлди. Эғнида беқасам камзул, атлас кўйлак бўлди. Оёқларида кавуш бўлди. Келин пешонасида тиллақош бўлди. Тиллақошнинг жимжимадор кўзлари ёруғда ялт-ялт этди. Қулоқларида зирак бўлди. Кўкракларида саккиз кумуш нишонли зебигардон бўлди. Зебигардон ферузалари товланди, бодомлари товланди. Тўйхонани кийикўт билан олқор иси олди»¹. Ушбу жумлаларни ўқир экансиз, келиннинг жонли сиймоси кўз олдингизда гавдаланади. Қолаверса, «пойандоз», «беқасам камзул», «атлас кўйлак», «кавуш», «тиллақош», «зирак», «зебигардон», «кийикўт», «олқор» сўзлари миллий буюмларимиз, ҳозирги кунда айтишга, ҳатто, тили-

¹ Тоғай Мурод. Ойдинда юрган одамлар // Танланган асарлар, Т.: Шарқ — 2008. Б — 226.

миз келишмайдиган бу каби сўзлар адиб асарларида жуда кўп учрайди. Тоғай Мурод бу сўзларни шунчаки йўл-йўлакай келтириб ўтмайди, уларни батафсил таърифлаб беради. Шу ўринда Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар»даги Кумушнинг келинлик тасвири: «..Бошидаги оқ шоҳи рўмол, ичидаги оқ шоҳи кўйнак, устидаги оқ кумуш заррин сирилган пўстин, бақбақаларини ўраб ўпиб турган ёқа қундузларининг келишкани, солиниб тушкан қора жинггила сочларнинг бўйин тевараги-га чирмашқани, хом нуқра юзларнинг бўғриққани...

Янгалар Кумушни ҳавлидан туриб қизларга топширдилар»¹. Абдулла Қодирий тасвиридаги келин образи билан Тоғай Мурод талқинидаги келин образида ҳам уларнинг миллий кийимлари, ўзбек қизларига хос ибоси ёрқин рангларда очиб берилади. Бу икки асарда бир қанча ўхшашликлар мавжуд. Албатта, бу ўхшашликлар замирида миллийлик, халқ урф-одатларига бўлган қизиқиш ва уларнинг бадиий тасвири муҳим ўрин тутаяди.

Адабий муҳитга назар солсак, қалам аҳли борки, муҳаббат ҳақида ўз сўзларини айтиб келган. Адабиёт тарихида бу мавзунини четлаб ўтган сўз соҳибини топиш қийин. Тоғай Мурод ўз асарларида бу ноёб туйғунини покиза либосларга ўраб тасвирлади. Шу ўринда адибнинг «Ойдинда юрган одамлар» қиссасидаги Қоплон ва Оймомо ўртасидаги муомалага эътибор беринг: «*Холисроқ ўтирсин, момолардан уятдир*». Оддий жумлада қанчалар маъно, ўзбек аёлининг жуфти бўлмиш эр зотига муносабатини қаранг? — *Холисроқ ўтирсин*. Оймомо ёнида унга маҳтал бўлиб турган, бундан буён бир умр бир ёстиққа бош қўядиган одамга ҳурмати. Адиб бу жумлани топишда қанчалар қалб изтиробига тушгани сезилиб туради. Бу сўзни «холисроқ турунг», «узокроқ ўтирунг» деб бериш ҳам мумкин эди. Бироқ Тоғай Мурод фақатгина юқоридаги ифодани муносиб топган. Шу ўринда биринчи ўзбек романи «Ўткан кунлар»даги Абдулла Қодирийнинг асосий қаҳрамонлари Отабек ва Кумуш ўртасидаги муносабат, муомалага эътибор беринг: «— *Сиз ўшамми?*» шу биргина жумла Абдулла Қоди-

¹ Абдулла Қодирий. Ўткан кунлар.Т.: Шарқ — 2000. Б-57.

рийнинг шоҳ асарига гултож бўлди. Бу сўзларни ўқиганда юзларига қизиллик югурмаган ўзбек қизи, этлари жимирламаган йигитлари бўлмаса керак. «Ўткан кунлар»даги муҳаббат манзараси оддий тилда эмас, ҳақиқий эр йигит ор-номуси, ҳақиқий ўзбек қизининг иффат-ҳаёси замиридаги тилда кўйланади. Тоғай Муроднинг «Ойдинда юрган одамлар» қиссасида ҳам муҳаббат манзараси ўзгача услуб, ўзгача йўналишда тараннум этилади.

Тоғай Мурод асарларини ўқир эканмиз, бир қанча янги сўзларга, янгича жумлаларга гувоҳ бўламиз. Тилимизда муомаладан чиқиб кетган, ўрнини ўзлашган сўзлар эгаллаётган сўзларни қайтадан тиклайди ва эсимизга солади. Севимли адибимиз, Ўзбекистон қаҳрамони Саид Аҳмад: *«Тоғай Мурод қиссаларини ўқир эканман, ҳар гал янги бир ёзувчини кўргандек бўламан. У кечаги ҳаммани қойил қолдирган «Юлдузлар мангу ёнади» ёки «От кишнаган оқшом» қиссаларини ёзган Тоғайга ўхшамайди. «Ойдинда юрган одамлар»ни бошқа Тоғай ёзган, деб ўйлайсиз. Ҳа, унинг асарлари сира бир-бирини такрорламайди»¹* деб ёзган эдилар. Нақадар ўринли ва адолатли таъриф. Ҳар не бўлганда ҳам, шуни тан олиб айтишимиз керакки, Тоғай Мурод ўз асарларида муҳаббат талқинининг асл ўзбекча вариантини очиб берди. У асарларида ошиқлар қалбининг садоларини юксак бир оҳангда тараннум этди.

«Тақдирни қаранг. Қоплон ўз кўз очиб кўрганидан воз кечмаганлиги, севгисига содиқлиги учун отасининг қарғишига қолади. Отанинг қарғиши ўқ дейдилар, ахир! Оймомо эса бир ғийбатчи кампирнинг гапини рад этгани учун ундан ҳам қарғиш эшитади. Гўё саодат жазоланади. Фожеий қисматларига нотанти қарғиш ҳам кўмаклашади....»

Аслида, зоҳиран шунақа... Ёзувчи ботиний, илоҳий кўнгил оламига бошлайдики, бунда Фарҳоду Ширинларга монанд Оймомо ва Қоплонларнинг бетимсол ишқидан авлодлар ўрнак олиб, эл кўпаяди. Инсонни инсон этадиган муборак туйғуларнинг баракаси, ҳиссаси ошади»².

¹ Мен қайтиб келаман ,Тоғай Мурод замондошлари хотирасида. Т.: Янги аср авлоди – 2007. Б-9.

² Вафо Файзуллоҳ. Моҳият газетаси – 2008, йил 1-февраль.

«Ойдинда юрган одамлар» қиссасини ўқир экансиз, ўқувчи хаёлидан (бугунги кун нуқтайи назаридан -А.Ў.) нима учун Қоплон бошқа уйланмади, нима сабабдан ота-онасининг гапига кирмади, нима сабабдан ўзига бундай тақдирни раво кўрди, деган адоқсиз саволларнинг ўтиши табиий. Адиб асардаги барча саволларга жавоб топишни ўқувчи ҳукмига ҳавола қилади. Адиб қиссадаги чигалликларни очиб бериш ўрнига китобхон фикрласин, ўз тана-сида жамики ҳодисаларга жавоб қидирсин, ўйлаб-мушоҳада қилсин дея бир тугун тугиб қўяди. Мисолларга мурожат қиладиган бўлсак, қиссанинг дастлабки саҳифасида совчилар келиши манзарасида Эсон қассобнинг шундай сўзлари келтирилади: « — *Қоплонми? Бўлмайди*».

Шу биргина жумла билан адиб китобхонни асарга сеҳрлайди. Қатъият билан айтилган, чўрт кесилган гап. Бир оғиз гап билан адиб асар руҳини мураккаблаштиради. Лекин Эсон қассоб фикрини ўзгартиради. Бу билан у ёшларнинг келажакда албатта яхши яшаб кетиши, ували-жували бўлиб, ўзларидан кўпайиб, илдиз отишига ишонч уйғотади. Воқеалар ривожини шуни кўрсатадики, китобхон беихтиёр «аттанг» деб юборади.

Тоғай Мурод ўз ички кечинмаларини қаҳрамонлари изтиробидан ифодалашдан яширмади. Ёзаётганида уларга ачинишини ошкора билдириб ёзди. Бундан аён бўладики, адиб яратган қаҳрамонлар, уларнинг характери, қиёфалари ўқувчилар кўз олдида аниқ гавдаланади. Асар қаҳрамонлари ҳаётидаги биргина воқеа ҳам унинг нигоҳидан четда қолмайди. Қиссадаги Қоплон билан Оймомо тақдири, аслида, бир гап билан ифода этилса бўладиган воқеа. Яъни фарзандсизлик муаммоси! Лекин адиб бундай деб ўйламади. У яратган образлар бир-бирининг мунгли кўзларига термулиб умр ўтказиши эмас, балки бошқа турмуш қуриб бахтли ҳаёт кечиришга ҳақли инсонлар эди. Тоғай Мурод бу воқеага янги-ча талқин берди. У, бу асар қаҳрамонларига ўзи ҳам чин дилдан ачинди. Уларни ҳурматлаб, кўнглига қараб ёзди. Уларни алқади. Кўкларга кўтарди. Уларнинг ҳаётини гоят нозик, гоят таъсирчан тасвирлади. Уларни туғилмаган болаларнинг отаси-онаси, туғилмаган невараларнинг бобоси, момоси дея

таърифлади. Уларни ошкора йиғлатмади. Уларнинг руҳиятидаги содир бўлаётган ҳолат ва фикрий ўзгаришларни шу даражада аниқ кўрсатдики, бу билан у ўзи яратаётган образларнинг қалб дунёсини жуда чуқур ҳис қилганлигини ошкор қилди.

Беқиёс истеъдод соҳиби, йигирманчи аср ўзбек адабиётининг йирик, истеъдодли намояндаларидан Тоғай Мурод асарларига ҳам ўз даврида шубҳа билан қараган, «тирноқнинг тагидан кир қидирган»лар йўқ эмасди. Адиб ўз даврида асарларига, ўзига бўлган муносабатдан жуда чуқур қайғуради ва тушкунликка тушади. Ҳақиқий истеъдод ҳар қандай замонда ҳам ўзини намоён эта олади. Унга на мафкура қафаслари, на сиёсий панжаралар тўсиқ бўла олади. Шу ўринда адибнинг қўйидаги сўзларини келтириб ўтишни жоиз топдик: «*Мен нимага эришган бўлсам – барчаси учун ғанимларимдан миннатдор бўлдим. Ғанимларим бўлмаса – мен Тоғай Мурод бўлолмас эдим. Яшасин, ғанимларим!*»¹ Лекин, не бўлганда ҳам, Тоғай Мурод асарлари ўлмади. Хусусан, адабий танқидчиликнинг хайрихоҳлик билан билдирган фикрлари асосида жиддий қайта ишланган «Ойдинда юрган одамлар» қиссасидаги Қоплон ва Оймомо тақдири ўзининг жозибасини йўқотмади.

Эътибор берилса, тарихда муҳаббат қиссалари, ишқий романлар талайгина. Бироқ Отабек ва Кумуш, Оймомо билан Қоплон тақдирлари ёритилган даражадаги қиссалар кам. Бу икки адиб ҳам қўлига қалам олганда фақатгина икки ёшнинг муҳаббатини баён қилмоқчи бўлган, деб ўйлайсизми? Агар мақсадлари шугина бўлса, асар бу қадар улуғворлик касб этармиди? Йўқ, улар қўлларига қалам олганда, халқ дарди, халқнинг тақдири, келажагини ўйлаб қуйиб-ёниб ижод қилганлар. Улар бу муҳаббат қиссаси орқали инсонларни қийнаб келаётган саволларга жавоб излаб, унутилиш арафасидаги ўзлигимизни қай йўл билан келажак авлодларга етказиш йўллариини излаб ижод қилишган.

Бу каби ижодкорлар халқимиз тарихида кўп бўлган. Зотан, халқ руҳи ва ундаги эътиқодни миллатнинг энг илғор вакиллари, мутаффақирлар ифода этади. Масалан, Амир

¹ Тоғай Мурод. Отамдан қолган далалар Т.: Шарқ – 1994. Б-270.

Темурнинг давлат ва жамият қурилиши ҳамда саркардалик бобидаги юксак иқтидори, халқимиз руҳияти, салоҳияти ҳамда тафаккур имконияти ифодасини юзага чиқарган Алишер Навоий ижодиёти ҳам халқ эътиқодининг ўлмас намунасидир. Халқ эътиқоди, юқорида эътироф этилганидек, буюк адибларимиз ёзиб қолдирган асарлари билан, қолаверса, ҳар бир шахс эътиқодининг йўналиши билан белгиланади. Атрофдагилар ва яқинлари тақдирига бефарқ бўлмаган, кўпчилик манфаатини ўз манфаатидан устун билган инсон бундай эътиқодга берилган ва ундан таъсирланган ҳисобланади. Бугунги маънавият ва маданий жиҳатдан баркамол ёшлар буюк Навоий, Лутфий, Бобур, Машраб, Нодира, Муқимий асарларини етарли даражада билмаса, қусур ҳисобланади. Одатда, улуғ бобокалонимиз Алишер Навоий ҳақида сўз кетганда, кўпчилик ёшлар тўлқинланиб, ҳаяжон билан мутафаккирнинг инсоният маданияти хазинасига қўшган ҳиссаси ҳақида гапирадилар. Ёшларимиз орасида Алишер Навоийнинг бирорта газалини ёддан билмайдиганлар ҳам топилади. Грузияда шундай гап борки, бўлажак куёв Шота Руставелининг қанчадир мисра шеърини ёки «Йўлбарс терисини ёпинган паҳлавон» достонидан ёд билмаса, қиз беришмас экан. Аслида, Шота Руставели асарларини билмаса ҳам, кун кечириш мумкин. Лекин атоқли шоирнинг шеърларини, хусусан, «Йўлбарс терисини ёпинган паҳлавон» достонидан катта-катта парчаларни ёд билган йигитга элнинг муносабати ҳам бўлакча бўлиши табиий. Зеро Ш. Руставелидек эзгуликни, инсонпарварликни тарғиб этган адибнинг асарларидан парчалар ёд билган грузин йигитининг қалбида яхшилик уруғлари нишурмаган бўлиши мумкин эмас. Шунингдек, бугунги кунда юртимизда ҳам Тоғай Мурод асарларини билмаган, Бўри полвон шижоатини ҳис қилмаган, Зиёдулла чавандоз мардлигини қалбида туймаган йигитлар, Қоплон билан Оймомо муҳаббатини ҳис қилмаган ёшларимиз бўлмаслиги керак.

Яна бир мулоҳаза. Маънавий баркамоллик қўшни халқлар, шунингдек, жаҳон халқларининг асрлар давомида яратган адабий-бадиий асарларидан баҳраманд бўлишида ҳам, шубҳасиз кўринади. Фирдавсийнинг «Шоҳнома»сини, қирғиз халқининг достони «Манас»ни, Махтумқули шеърларини,

«Минг бир кеча», «Қобуснома» сингари ноёб асарларни ўқимаган ёшларнинг маънавий ва маданий савияси қай даражада эканлигини англаса бўлади. Булар ҳам, аслида, етарли эмас. Жаҳон адабиётининг шоҳ асарлари борки, булар ҳақида турли миллат вакиллари йиғилганда, албатта, гап кетади. Хусусан, Ҳомер, Шекспир, Сервантес, Бокаччо, Бальзак, Гоголь, Пушкин, Мопассан, Хемингуэй, Жек Лондон, Ҳусайн Жовид, Чингиз Айтматов... санайверсанг чеки йўқ саҳифалар тўлади. Аслида, булар ҳам чегара эмас. Рафаэль, Камолиддин Беҳзод, Репин, Иванов, Ч.Аҳмаров сингари мусаввирларнинг ўлмас асарлари билан, умуман миллийлигимиз, азалий анъана ва урф-одатларимиз тараннум этилган барча санъат турларининг, ҳеч бўлмаганда, юксак намуналари ҳақида ўртача тасаввурга эга бўлмаган ёшларни маънавий етук деб бўлмайди. Таниқли адибимиз Тоғай Мурод ҳам фақат «*қадриятларни икир-чиқиригача*» тасвирлаш билан чекланиб қолмади. Адиб жуда кўп ўқиди, изланди. Европа, айниқса, рус адабиётининг ашаддий мухлиси бўлди. Қолаверса, Тоғай Мурод истеъдодли таржимон ҳам эди.

«Ёшлиқдан кўпкариларга қатнашиб келганлари учун бўлса керак, Эрнест Сетон-Томпсоннинг «Ёввойи йўрға» асарини жуда хуш кўриб ўқирди¹, — деб ёзади шоир Чоршамъ. — Бу китобни таржима қилиш нияти борлигини ҳам менга айтганди».

Бу фикрни далиллаш учун Хуршид Дўстмуҳаммаднинг сўзларини келтириб ўтишни жоиз топдик: «Тоғай Л. Толстой, Мопассан асарларидан кўп мисол келтирар, айниқса Э. Сетон-Томпсоннинг ҳайвонот дунёсига бағишланган ҳикояларини завқ-шавқ билан айтиб берар, уларни ўзбекчалаштиришга киришганидан гап очарди»².

Тоғай Муроднинг таржимонлик борасидаги ишлари хусусида Умарали Норматов шундай ёзади: «Бир оз сукутдан кейин яна қизишиб сўзида давом этди: «Ғанимларимнинг даъвосича, гўё мен этнограф, шунчаки бахши

¹ Мен қайтиб келаман, Тоғай Мурод замондошлари хотирасида // Янги аср авлоди — 2007. Б-147.

² Мен қайтиб келаман, Тоғай Мурод замондошлари хотирасида // Янги аср авлоди — 2007. Б-98.

қаламкаш эмишман. «Деновдан нарига чиқолмайсан, на- рёғида нималар бўлаётганини кўрмайсан, жаҳон адабиё- тидан беҳабарсан, модернизм нима, абсурд, онг оқими нима – билмайсан, Ницше, Фрейд, Кафка, Жойс, Ка- мяга тишинг ўтмайди», дея ташлансалар бўладими менга бу «билагон» нодонлар. Ишонинг Умарали ака, мен Ниц- шени, Фрейдни, Кафка, Жойс, Камюларни, модернизм адабиётини улардан кам эмас, ортиқроқ биладман. Ницше «Зардушт»ини, Кафка «Жараён»ини, Камю «Бегона»си билан «Вабо»сини бир эмас, бир неча бор ўқиб чиққан- ман. Жойснинг «Улисс»ини ҳам «Иностранная литерату- ра»да русча таржимаси чиқмасдан бурун қўлёзмасини то- пиб ўқиганман, ҳатто уни ўзбекчага таржима қилишни кўнглимга тугиб қўйганман»¹.

Бундан кўринадики, адиб чет эл адабиётига ҳам юксак илҳом манбаи деб қараган ва доимо кузатиб борган.

У 1974 – 1975 йилларда Ж.Лондоннинг «Бойнинг қизи» драмаси ва бир қанча ҳикояларини, 1989 йил Э. Сетон- Томпсоннинг «Ёввойи йўрға» китобини ўзбек тилига тар- жима қилган. Катта завқ билан таржимасини бошлаган Жой- снинг «Улисс» романи, афсуски, ниҳоясига етмай қолди. Адибнинг рафиқаси Маъсума Аҳмедованинг айтишича, Тоғай Мурод «Улисс»нинг каттагина қисмини таржима қилиб қўйган экан.

Тоғай Мурод насрида ақллилик қилишни хаёлига ҳам келтирмаган кишиларнинг оддий гаплари гоҳида ҳикмат- дай ифодаланаяди. Инсонларга ҳақ йўлни кўрсатади, аччиқ, шафқатсиз ҳақиқатларни айтишдан қочмайди. Ана шу фа- зилати билан янада қудратли, таъсирчан, дилбар, қадр- дон бўлиб қолади.

«*Эркакмисан – оёғида тик турган эркак билан олиш!*» Бу гапни бировга атайлаб айтсангиз ҳам, бу қадар таъсирчан ва адолатли эшитилмайди. Лекин, бу сўз курашда баковул оғзи- дан чиққанида, одамнинг этлари жимирлаб кетиши, тово- нигача музлаши табиий.

¹ Мен қайтиб келаман, Тоғай Мурод замондошлари хотирасида // Янги аср авлоди – 2007. Б-36.

«Ўз аслига тортмаган, ўз аслини унутган одам – одам эмас!»
Моҳиятан уйлаб қаралса, тўғри гап. Бир оз муболага ишлатилган-у, аччиқ бўлса-да, ҳақиқат. «Одам бўламан десангиз, эл гапига парво қилманг, аммо бепарво-да бўлманг!» Демак, адабиёт фақат кўнгилни хушлаши ёки ўрташи мумкин деганлар адашади. Бадиий адабиётнинг шундай кучи борки, қаҳрамонларнинг рўй-рост гаплари, ўйлаган хаёллари билан яхшиликдан дарс бериб қўйиши мумкин. Тафаккурда бетарафлик йўқ. Тоғай Мурод қаҳрамонлари донишманд миллатдошлари каби фикрчан кишилар, улар хаёлпараст эмас, фикри бутун, ақли тўла одамлар.

Зеро Ватан тақдирига бефарқ бўлмаган, ўзларининг асарлари билан миллий характер, миллий қиёфа яратиш борасида самарали ишлар олиб борган бу каби адибларимиз ижодлари ўқувчилар томонидан муносиб қадрланмоқда. Улар ижод ишқида яшади. Уларнинг умри яратган асарларида давом этади.

АДАБИЙ ЎЙЛАР

Мен Тоғай Муроднинг асарларини кўп ўқирдим. Уни китоблари орқали танидим. Китоблари орқали севардим, ҳурмат қилардим. Талабалик давримизда, айниқса, адиб асарларининг ҳақиқий «жинниси»га айланиб қолдим. Лекин бирор марта адибни излаб уйига боришга, у билан суҳбат қилишга юрагим бетламади. Лекин бордим... Афсус унда кеч бўлганди. Институтда ўқиб юрган кезларимиз, (биринчи курс эдик) баҳор ойининг охирларида, имтиҳонлар бошланиб, бошимиз айланиб юрган кунлар эди. Ётоқхонада эрталаб-саҳар эшигимиз тақиллади. Қарасам, проректор Абдуҳалил Маврулов, кўзларимдан уйқу қочиб кетди. Домла гапни чўзиб ўтирмадилар. — Тез бўлинглар, Тоғай Мурод оламдан ўтиб қолибдилар. Қандай кийиндим, кўчага қандай чиқдим, билмайман, институт олдида турган афтобусга чиқиб ўтирганимдан кейин ҳушим ўзимга келди.

Тумонат одам. Ҳамма машҳур кишилар шу ерда. Кўпларини танийман, телевизорларда, китобларда кўрганмиз. Кўпларини илк марта кўриб турибман. Ҳамма бир қайғу оғушида, ғамгин. Адашмасам, Сирожиддин Саййид эди, овозини чиқариб бир нима деди. Биз анча узоқда бўлганимиз учун гапларини англай олмай қолдик. Чиғатой қабристонига бориб эса бутунлай оғзим очилиб қолди. Ўзгача сукунат. Бу сукунатга хамоҳанг катта-катта, совуқ қабр тошлари. Бир-бир ўқийман Ойбек, Шароф Рашидов...

Хаёлимни қоронғулик чулғаб олди. Ўтмишдаги бир воқеа қора тунда чақнаган чақмоқдек ялт этиб миямга урилди.

Бир куни мактабдан келсам (1997 йил), онамнинг қўлларида бир китоб, бир оз жаҳллари чиққан шекилли, қўлларида енгил титроқ билан ўқиб ўтирибдилар. Салом бердим, эътибор бермадилар. Уйга кириб кийимларимни алмаштириб чиқиб, ёнларига ўтирдим. Бир оздан кейин кўзларини китобдан олиб менга юзландилар. Кўзларида сўлғинлик, ёшланган шекилли, қизариб турибди. Одатда, онам кўп китоб ўқирдилар. Бир иккита ҳикоя, шеърларим «Ёшлик»,

«Синфдош» журналларида босилиб чиққанидан онамнинг кўнгиллари шод, нима китоб бўлса менга берар, ўқиб чиқ деб қўймасдилар. Қизиқиб сўрадим, — Нима китоб ўқияпсиз? Онам гапирмадилар, китобни қўлимга тутқаздилар. Олдин муқовасига қарадим. Сурхондарёлик адиб Жовли Хушбоқовнинг «Муҳаббатнинг олови» китоби. Отам идорада ҳисобчи бўлиб ишлардилар. Адибнинг китобини тарқатиш (сотиш) учун туманга олиб келишган экан. Билмадим, буни отам удалай олмаганмилар ёки ўтмаганми, ҳаммасини уйга олиб келган эдилар. Кейинчалик, яъни 2001 йил (отам оламдан ўтган эдилар) Жовли Хушбоқовнинг ўзлари келиб китобларини олиб кетдилар. Секин варақладим, биринчи бет, иккинчи бет, учинчи бет.... кўзим тагига аёлларнинг кўзга суртадиган қалами билан қоп-қора қилиб чизилган сатрларга тушди.

«Саксонинчи йиллар прозаик асарлари хусусида фикр юритган танқидчилар кўпчилик ҳикоя ва қиссаларда ижтимоий фикр салмоғи хийла енгил эканлигини таассуф билан қайд этдилар. Ҳатто, бадиий пишиқ «Ойдинда юрган одамлар» (Тоғай Мурод қиссаси) ҳам шу жиҳатдан оқсайди. Асарда муаллиф самимияти, тасвир услуби ўқувчини нечоғлик асир этмасин, пировард натижада китобхонга: урф-одатларни иқир-чикиригача кўрсатиш, тасвир этишдан мурод нима, деган ўй тинчлик бермайдди». Ҳайрон бўлдим. Онам, мен бу сўзларни ўқиб бўлгунимча юзларини тескари ўгириб ўтирдилар. Кейин ўгирилиб, менга қарадилар. Бирпас қараб турдилар, ўйладимки, бирор нима дейишим керак, — Ҳа нима бўпти? — дедим. Онам худди мени биринчи марта кўриб тургандай, кўзларини қисиброқ қарадилар. Елка қисдим. Кейин чуқур хўрсиниб гап бошладилар: — Ахир, тушунмадингми, яна бу кишим ёзувчи бўлармиш. «Ойдинда юрган одамлар»ни ёзишибди. Тоғай Муроднинг ёзганларини хато дебди. Бу нима дегани, шу ёзган одам Тоғай Муродни ўқиганми ўзи? Қандай тили борди экан бундай деб ёзишга?

Тўғриси, қўрқиб кетдим. Онамнинг бунчалар куюниб гапирётганларига. Тезда китобни очиб бошқатдан ўқиб чиқдим. Айтарли бирор ёмон сўз ёзилмаган. Кейин уларни тинчлантиришга уриндим. — Ахир, Тоғай Муродни ким ёмонлаб-

ди? Бу ерда ҳеч қандай ёмон гап йўқ-ку? Ҳа, энди, адиб ўз фикрини билдирган. Шунга шунчами?

Онам тинчланмадилар, уйга кириб кетдилар-да, муқова-си йиртилиб кетган журнални олиб чиқдилар. Билдимки, Тоғай Муроднинг «Ойдинда юрган одамлар» қиссаси чоп этилган журнал.

— Неча марта ўқиб чиққансан? — дедилар

— Икки марта, — деб ёлғонладим.

— Икки марта ўқиб ҳам, ҳеч нарсани тушунмадингми? — дедилар.

Тўғриси, журнални онам менга берганларида олгандим-у, бир икки кундан кейин ўқиб чиқдим деб қайтариб бергандим. Улар бу журнални авайлаб сақлардилар. Менга бу гал қайта ўқишга бермадилар, индамай уйга кириб кетдилар. Шундан кейин мени Тоғай Мурод асари асир этди. Нашр этилган ҳамма қиссаларини ўқиб чиқдим. Оймомонинг тақдирига ачиндим. Раҳмим келди. Унга атаб шеър битдим:

Баҳоримда бойчечакка алла айтган сиз,
Қизғалдоқдек бағри қонаб йиғлаб ётган сиз,
Эслаганда бўғизимга келиб қайтган сўз,
Келин бўлиб ҳали фарзанд кўрмаган аёл.

Чечак бўлиб очилганда гул яноғингиз,
Умид узманг Оллоҳдандир ўз паноҳингиз,
Санамайман, билмайман-ей, минг саноғингиз,
Келин бўлиб ҳали фарзанд кўрмаган аёл.

Азоб бўлса бу жонингиз барини тотган,
Туғаман деб бисотида борини сотган,
Алаmidан бўш бешикни кучоқлаб ётган,
Келин бўлиб ҳали фарзанд кўрмаган аёл.

Йўлдошингиз сизга ёрдам беролмаса,
Отаман деб кўкрак кериб юролмаса,
Чақирганда «бешик тўй»га боролмаса,
Келин бўлиб ҳали фарзанд кўрмаган аёл.

Туни билан хаёлингиз олам кезади,
Қайнонангиз боши қотган, режа тузади,
Уйда ётган ўйинчоқлар бағрин эзади.
Келин бўлиб ҳали фарзанд кўрмаган аёл.
Йўргак ювиб, аравача сурмаган аёл.

Кўнглим бундан ҳам тўлмади. Китобларини сотиб олдим. Лекин онамнинг куюниб гапирганларини тушуна олмаган эдим. Энди англаб етаяпманки, онам ўша пайтларда Тоғай Муроднинг истеъдодига қойил қолган, шундай буюк ёзувчи етишиб чиққанига, яна сурхондарёлик эканидан фахрланардилар. Унинг асарларидаги азалий урф-одатлар, ўзлари кўзлари билан кўрган, ардоқлаган қадриятларнинг батафсил «*икир-чикиригача*» баён қилинганидан ғурурланиб юрарканлар. Ж. Хушбоқовнинг бу ёзганлари шунинг учун уларга товонига нина санчилгандай таъсир қилган экан.

Чиғатойдан қайтарканмиз, институтга келгунча ўзим билан ўзим олишиб келдим. Мен Тоғай Мурод билан хаёлан видолашдим. «*Мени кечиринг, ака, биздан рози бўлинг!*»

ХОТИМА

Ҳар бир тараққий этган, маданиятли халқнинг ўз тили, урф-одати, адабиёти, анъанавий моддий ва маънавий бойликлари бўлади. Ўзбек халқи ҳам дунёдаги энг қадимий халқлардан бири сифатида мана шундай хазинага эга. Бу билан ҳақли равишда фахрлансак арзийди, шунинг учун қадимий маданиятни, урф-одатни билишимиз, сақлашимиз ва кейинги авлодларга ҳам етказишимиз инсоний бурчимиздир.

Шуни унутмаслик керакки, минг-минг йиллар давомида шаклланган урф-одат, маросим, адабиёт, санъат муаллақ ҳолда, ўзга халқлардан бекитиқча (яширинча) пайдо бўлиб, ривожланмаган. Аксинча, биз билан қадимдан ёнма-ён, жон кўшни сифатида ҳаёт кечириб келаётган қардош қозоқ, қирғиз, туркман, тожик ва озарбайжон халқлари вакиллариининг ҳам бу қадимий маданиятнинг шаклланишида муайян ҳиссалари бор. Ҳар бир халқ ана шу удумлар, урф-одатлар, ўтмишга чуқур томир отиб кетган илдизлари билан жаҳон маданиятида ўзига хос жой, ўрин тутади.

Миллий қадриятларимизни ўрганишда, уларга амал қилиб, келажак авлодларга етказишда «Алпомиш», «Гўрўғли» каби дostonлар билан бир қаторда замонавий романлар, қиссалар ҳам муносиб ўрин тутади. Бу ўринда Тоғай Мурод яратган асарлар ўз мағзининг бутунлиги, тарбиявий аҳамиятини кенглиги билан бошқаларидан ажралиб туради. Зеро, адиб асарлари халқ анъанаси ва урф-одатлари ёшларнинг комил инсонлар бўлиб етишида битмас-туганмас манба, кишиларнинг ўсиб бораётган маънавий эҳтиёжларини қондиришнинг зарур омилдир. Уларга амал қилиш урф-одат талабларини кишиларнинг онги ва қалбига сингдириш, бу борада Тоғай Мурод асарларини кенгроқ тарғиб қилиш бугунги кун талаби, бу вазифаларни бажариш эса, бизнинг инсоний бурчимиздир. Бу борада ҳеч кимнинг томошабин бўлиб туришга ҳаққи йўқ. Чунки ана шу бурчни адо этиш маънавий пок, ор-номусли, виждонли ва ҳар томонлама баркамол кишиларни вояга етказиш имконини беради. Зеро бундай кишиларсиз жамият ва давлат келажagini, халқимизнинг эзгу орзулари амалга ошишини тасаввур қилиб бўлмайди.

МУНДАРИЖА

Сўзбоши.....	3
Мен Хўжасоатда дунё юзини кўрдим.....	5
Ижод ишқи.....	8
Қадриятларни қадрлаб.....	25
Адабий ўйлар.....	50
Хотима.....	54

МАНГУ ЁНИҚ ЮЛДУЗ

Муҳаррир: *Шукур Қурбон*
Бадиий муҳаррир: *А.Жўраев*
Техник муҳаррир: *А.Жўрабоев*
Саҳифаловчи: *А.Жўраев*

Босишга 2009 йил 16 октябрда рухсат этилди.
Бичими 60x84.¹/₁₆ Ҳажми 3,5 ш.б.т
Адади 500 нусха. Буюртма № 201.
Шартнома 50/3

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий
кутубхонаси нашриёти

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий
кутубхонаси босмахонасида чоп этилди.
Тошкент шаҳри, Истиқлол кўчаси 33.